

ЖАМИЯТНИНГ МУСТАҲҚАМ ТАЯНЧИ

АҚШлик мутахассислар бу мамлакат оилавий ажрашишлар бўйича биринчи ўриндалигини эълон қилишган. Британиялик мутахассислар эса, ўз мамлакатларида қайд этилаётган ҳар 6 оиланинг 5 тасида ажрашиш кузатилаётганини маълум қилишган.

5
бет

ВАГОН ОСТИДАГИ «ХАЗИНА»

...Меҳмонларнинг гапига қараганда, Россияда ишончи харидорлари бўлиб, 20 кг.гача юкни қабул қилиб олишар, юкни Тошкентдан келтириб бериш уларнинг гарданида бўлиб, муаммо Тошкент орқали олиб ўтишда ишончли танишининг йўқлиги экан.

10
бет

Mustaqillik huquq demakdir

Ўзбекистон



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2012-yil 16-fevral, №7 (788)

Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллуд топганига 529 йил тўлди



Кўнгли тилаган муродига етса киши...

Ўзбек мумтоз адабиётининг вакили, буюк шоир, тарихчи, географ, давлат арбоби ва истеъодли саркарда Заҳриддин Муҳаммад Бобур 1483 йил 14 февралда Андижон шаҳрида туғилди ва барча темурий шахзолалар сингари махсус тарбиячилар, йирик фозилу уламолар устозлигида ҳарбий таълим олиди, фикр ва илмини, араб ва форс тилларини ўрганди, кўплаб тарихий ва адабий асарларни мутолаа қилди.

1494 йилда отаси Умаршайх Мирзо бевақт, 39 ёшида вафот этгач, оиланинг катта фарзанди Бобур 12 ёшида валиаҳд сифатида тахтга ўтиради. Шундан сўнг сарсону саргардонликлар бошланади. Унинг болалиги ва ёшлиги тарихимизнинг ўта мураккаб, шиддатли, оғир ва таҳликали даврларига тўғри келади. Чунки Мовароуннаҳр XV аср охирида ўзаро низолашаётган темурий шахзолалар ёки мулкдорлар, зодагонлар бошчилиги қилиб турган вилоятларга парчаланиб кетган эди.

Бобурнинг дастлабки сиёсий мақсади Амир Темур давлатининг пойтахти, стратегик ва географик жиҳатдан муҳим бўлган Самарқандни эгаллаш, бобокалони салтанатини қайта тиклашдан иборат эди. Шу мақсадда у 1495-1496 йилларда Самарқандга икки марта юриш қилади. Бироқ муваффақият қозонолмайдди. 1497 йилнинг кузида у Самарқанд атрофидаги бир қанча жойларни ва етти ойлик қамалдан сўнг шаҳарни эгаллайди. Қамал туфайли Самарқанд оғир кунларни бошидан кечирганлиги сабабли ҳатто экиш учун дон топиш ва қўшинни таъминлаш мушкул ишга айланди. Шу туфайли ҳам Самарқандни юз кун идора этгач, Бобур шаҳарни тарк этишга қарор қилади. Бошига тушган кўргуликни ўзидан бошқага раво кўрмайди. "Менинг номаи аъмолимга машаққатлар битиги битилган, шундай экан, бу аччиқ қисмат шаробини ўзим ичаман", дейди у. Озор ва азоб ўзимники, бировники эмас, ўзим билан келиб, ўзим билан кетади. Бобурнинг ақидаси шу:

Кўнгли тилаган муродига етса киши,
Е барча муродларни тарк этса киши.
Бу иккиси муяссар ўлмас оламда,
Бошин олиб бир сорига кетса киши.

Дарҳақиқат, Бобурнинг ўз юрти иқболини кўриш, халқнинг бахтиёрлигига шерик бўлиш, умр борича юртга, раиятга хизмат қилишдек улкан муроди бор эди.

/Давоми 8-бетда/

Мақсадимиз – қонун устуворлигини таъминлаш

Амалга оширилаётган ҳар қандай иш ўзининг натижаси билан аҳамиятли ҳисобланади. Дарҳақиқат, эркин фуқаролик жамияти ҳамда ҳуқуқий демократик давлат куриш йўлидан бораётган мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисоблангани боис, "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси" меъёрларига уйғун тарзда яратилган миллий қонунчилигимиз инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қиломқда. Шунингдек, ислоҳот ислоҳот учун эмас, балки инсон учун, халқнинг фаровонлигини ошириш, яшаш шароитини яхшилаш учун амалга оширилаётганини ҳам амалда кўришимиз мумкин. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқларини кафолатлашга қаратилган миллий қонунчилигимиз ҳам йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда.

Шу аснода янги тахрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунда жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга сафарбар этилган, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасида жамият талабларига жавоб берадиган прокуратура органларининг масъулияти янада оширилди. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, Юртбошимиз Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида сузлаган нутқида ҳуқуқий ислохотларни амалга оширишда прокуратура органлари муҳим ўрин тутганини таъкидлаб, жумладан, шундай деган эдилар: "Такрор-такрор айтишга тўғри келади, бу соҳада хизмат қиладиган одамлар ўзининг профессионал ва фуқаролик бурчини, ўз вазифасини қанчалик ҳалол ва сидқидилан ижро этиши, ҳеч муболағасиз, бутун ҳокимият обрўси ва кишиларимизнинг адолатига ишончи қай даражада бўлишини белгилайди". Шунингдек, прокуратуранинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш функциялари ҳам кучайтирилди. Шу мақсадда қонунга махсус боб кириштирилиб, унда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бевоқифа ҳимоя қилиш ҳамда бу борада қонунларга риоя этилиши устидан назорат ўрнатиш ваколатлари ўз ифодасини топди.

Ана шундай масъулиятли вазифани бажаришда Тошкент вилоят прокуратураси органлари томонидан ҳам муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бунда асосий эътибор қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноatchилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган бўлиб, бу

борадаги барча ишларимиз амалдаги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари ҳамда Бош прокурорнинг буйруқлари асосида ташкил этилди. Жумладан, 2011 йилда қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини таъминлаш борасида ўтказилган текширишлар натижасига кўра, 35061 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, 15266 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. Жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 823 та жиноят ишлари кўзгатилди.

Аҳоли бандлиги, иш ҳақи, пенсия ва нафақалар тўлови ҳам долзарб масалалардан ҳисоблангани боис, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зарар етказилган ҳолатлар юзасидан назорат тадбирлари ўтказилиб, қатъий чоралар қўрилмоқда. Натижада, пенсия ва нафақалар бўйича қарздорлик бартараф этилди.

Шундай бўлса-да, мониторингга олинган корхоналарда иш ҳақидан тўлов мuddати ўтган қарздорлик 898,7 млн. сўмни ташкил қилган бўлиб, прокуратура органларининг бевоқифа аралашуви билан қарийб 9,6 млрд. сўмдан орტიқ иш ҳақининг тўланиши таъминланди.

Вилоят прокуратураси томонидан бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда аҳолини иш билан таъминлашда асосий эътибор қишлоқ аҳоли пунктларида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш аҳолини яхшилаш билан бирла, фуқароларнинг бандлигини таъминлашга қаратилиб, 2011 йил давомида вилоятдаги қишлоқларда 3 мингдан орტიқ тадбиркорлик

Юсупбой ҒОИПОВ,
Тошкент вилоят прокурори
вазифасини бажарувчи

субъектлари ва уларда 15 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Бундан ташқари, прокуратура органларининг ташаббуси билан 2011 йил давомида 107 мартаба меҳнат ярмаркалари ўтказилиб, ушбу ярмаркалар орқали 18 минг нафар ишсизлар, шундан 7 минг нафар коллеж битирувчиларининг бандлиги таъминланди. 5621 нафари захираланган иш ўринларига, 1162 нафари вилоятда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларига ишга жойлаштирилди.

Шу билан бирга, иқтисодиёт соҳасида қонунийликни таъминлаш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги текширишларнинг самардорлигини оширишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бироқ, амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарама-дан, вилоят ҳудудида жойлашган корхона ва ташкилотларнинг мuddати ўтган дебитор қарздорлиги 74,2 млрд. сўмни, кредитор қарздорлиги 101,5 млрд. сўмни ташкил қилган. Ўтказилган текширишларда қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 85 та тақдирнома киритилиб, 731 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. 183 нафари қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўймаслик тўғрисида огоҳлантирилиб, жиддий қонунбузилишлар юзасидан 21 та жиноят иши кўзгатилди.

Бундан ташқари, коммунал тўловлардан 243,7 млрд. сўмлик қарздорликнинг ундириш юзасидан судларга даъво аризалари киритилиб, 56,4 млрд. сўмининг ундирилишига эришилди. Қонунбузилишларни бартараф этиш тўғрисида 79 та тақдирнома киритилди. 477 нафар шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик хусусида огоҳлантирилди. 1330 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилиб, жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 43 та жиноят ишлари кўзгатилди.

/Давоми 2-бетда/

Мақсадимиз — қонун устуворлигини таъминлаш

/Давоми.
Бошланғич 1-бетда/

Мисолларга мурожаат қилсак: ўтказилган текширишларда "Ўртачирчиктумангаз" филиали мутасаддилари олдиндан тўловни амалга оширмаган 24 та улгуржи истеъмолчиларга 13 млн. сўмлик табиий газ етказиб бериб, тумандаги 25 та хонадонга жами 15,1 млн. сўмлик қарздорликни асосиз қилишга асос бўлиб аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан айбдорларга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Шунингдек, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан ўтказилган назорат тадбирларида 477 нафар тадбиркорнинг ҳуқуқи тикланди. Жумладан, назорат қилувчи органларнинг тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўлланган 12 та ноқонуний ҳуқуқий таъсир чоралари ва молиявий санкциялар бекор қилинди. Аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 90 та тақдирнома киритилиб, 121 нафар шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортиди. 9 та ҳолатда жиноят ишлари қўзғатилди. Хусусан, Олмалиқ шаҳрининг собиқ ҳокими Р.Гулямов ҳамда ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари У.Арслоновларнинг хусусий тадбиркор У.Норовдан Халқ таълими бўлимига қарашли бинони хусусийлаштириб бериш эвазига 7 миң АҚШ долларини пора тариқасида олганликлари бўйича ЖКнинг 210-моддаси 3-қисми ва бошқа моддалар билан жиноят иши қўзғатилиб, суд ҳукмига кўра тегишли жазога тортилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижроси юзаси-

дан ўтказилган текширишларда 55 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, 18 та жиноят иши қўзғатилди. Тергов давомида 1,7 млрд. сўм етказилган зарар ихтиёрий қопланиб, 544,6 млн. сўмни ундириш ҳақида судга даъво аризаси киритилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилиб, вилоят бўйича нақд пул тушуми режаси 2,1 трлн. сўмга бажарилган. Бу борада ўтказилган текширишларда аниқланган қонунбузилиши ҳолатларига нисбатан кескин чоралар қўрилди. Жумладан, Акциядорлик тижорат "Хамкор банк"нинг Чиноз филиали бошқарувчиси Х.Йўлдошев жуда кўп миқдорда иш ҳақи ва пенсия тўловларини нақд пул билан таъминлашни асосиз равишда кечиктирганлиги сабабли, унга нисбатан ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилди ҳамда жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятида асосий эътибор фермер ва деҳқон ҳўжаликларига ер ажратишда қонун талабларига риоя қилиш, пахта ва ғалла экиладиган майдонлар мониторингини мунтазам ўтказиб бориш, минерал ўғитлар ҳамда ёнилги-мойлаш маҳсулотлари талон-торожининг олдини олишга қаратилди. Мазкур соҳада ўтказилган текшириш ва мониторинг натижасига кўра, 14 миңдан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган. Ердан белгиланган мақсадда ва оқилноа фойдаланиш борасидаги назорат тадбирлари давомида 2350 гектар ердан ноқонуний фойдаланиш, мансабдор шахслар томонидан эса қариндош-уруғчилик ва ошпа-оғайнигарчилик муносабатларидан фойдаланиб,

1181 гектар ер майдонининг ноқонуний ажратилиши фактлари аниқланиб, жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 127 та жиноят иши қўзғатилди ва прокурорлар протестига асосан 24947 гектар ер майдони давлат заҳирасига қайтарилди.

Шунингдек, деҳқон-фермер ҳўжаликларини ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда бузилган ҳуқуқларини тиклаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, фермер ҳўжаликларининг 2,8 млрд. сўм дебитор қарзларини ундиришда, 14,1 млрд. сўмлик банк кредитлари, 345,4 гектар ер, 10 миң тоннадан зиёд минерал ўғит, 355,5 тонна нефть маҳсулотлари, 32 дона қишлоқ ҳўжалиги техникаларининг ажратилишида амалий ёрдам берилди.

Шундай бўлса-да, афсуски, айрим ҳолларда минерал ўғитлардан фойдаланишда исрофгарчилик ва ҳўжасизлик ҳолатлари ҳам учраб турибди. Масалан, 1,1 млрд. сўмлик 3207,6 тонна минерал ўғитни талон-торож қилган "Қишлоқҳўжаликим" Юқори Чирчиқ туман филиалининг "А.Яссавий" омабори мудир К.Урозовга нисбатан ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, унга қонуний чора қўрилди.

Жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш борасидаги фаолиятнинг мувофиқлаштирилиши ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар билан ўзаро ҳамкорлик натижасида вилоятда умумий жиноятчилик 0,1 фоизга, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар эса 3,2 фоизга камайган. Дастлабки тергов ва суриштирув фаолияти устидан назорат олиб боришда ушбу жараённинг тўлиқ, ҳолис ҳамда сифатли ўтказилиши, жиноятлар оқибатида етказилган моддий зарарнинг терговда қопланishiга жиддий эътибор қарати-

либ, прокуратура тергови бўйича аниқланган 24,8 млрд. сўми зарарнинг 23,8 млрд. сўми тергов давомида ундирилди. Жумладан, "Автомагистраль" автомобил йўлларини қуриш-таъмирлаш давлат бирлашмаси собиқ раиси Д.Абдуллаев ва унинг шериклари томонидан содир этилган қилмишлар оқибатида етказилган 2,7 млрд. сўмлик зарар тергов жараёнида тўлиқ ундирилди. Айбланувчилар эса суд ҳукми билан тегишли жазога тортилди.

Жиноят ишлари бўйича вилоят судларида 7996 та жиноят иши қўрилиб, давлат айбловчи тўлиқ қувватланди. Прокурорларнинг протестлари асосида судларнинг 323 та қарори қонунга мувофиқлаштирилди.

Вилоятдаги туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан қўрилган 36705 та ишнинг 30570 тасида прокурор иштироки таъминланиб, прокурорларнинг протестлари асосида судларнинг 311 та қарори қонунга мувофиқлаштирилди. Фуқаролик ҳуқуқий воситаларидан фойдаланилган ҳолда қиритилган даъволар бўйича 13 млрд. сўм ундирилди.

Вилоят ҳўжалик судида қўрилган низоларнинг 6260 тасида прокурор иштироки таъминланиб, прокурорларнинг протестлари асосида судларнинг 168 та қарори қонунга мувофиқлаштирилди ва қаноатлантирилган прокурор даъволари бўйича 111 млн. сўмнинг ундирилишига эришилди.

Суд қарорларини ижро этиш ва қамоққа олиналганларни сақлашда қонуларга риоя этилиши устидан амалга оширилган тадбирлар натижасида ижро ҳўжатлари бўйича 412 млрд. сўмлик ундирувларнинг 239 млрд. сўми ижро қилинди. Мазкур масала бўйича ўтказилган 389 та текширувларда 1451 та прокурор назорати ҳўжатлари қўлланилиб, жиддий қонунбузилиши ҳолат-

лари юзасидан 268 та жиноят иши қўзғатилди.

Шунингдек, фуқароларнинг мурожаатларига ҳам жиддий эътибор қаратилган бўлиб, уларнинг кундалик қабули йўлга қўйилди. Вилоят прокуратураси органлари томонидан ўтган йили 11545 нафар фуқаро қабул қилинди. Келиб тушган мурожаатлардан 5401 таси бевосита прокурор-тергов ходимлари томонидан ҳал этилиб, 586 таси қаноатлантирилди. 241 нафар фуқаронинг эса бузилган ҳуқуқлари тикланди. Бу борада "007" рақамли ишонч телефони имкониятларидан ҳам кенг фойдаланиш йўлга қўйилган бўлиб, бу билан жойларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини тезкорлик билан таъминланишига эришилмоқда.

Шу билан бирга, аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунларга ҳурмат, қонунбузилишларга эса муро-сасизлик руҳида тарбиялаш борасидаги ишларимиз ҳам аниқ режа асосида ташкиллаштирилди. Матбуот, радио ва телевидение орқали қилган қиқшилардан ташқари, жойларда ўтказилаётган мулоқот ва учрашувларда ордотларимизга қонунчиликда бўлаётган ўзгаришлар ҳамда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти батафсил тушунтирилмоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқиланадиган манфаатларини ҳимоя қилишда маъсулиятли ва шарафли вазифани адо этишда прокуратура органлари фаолиятининг барча йўналишларида фақат қонунларга қатъий риоя қилиш таъминлашига асосан ишларни ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, бу соҳаларда амалга оширилаётган прокурор назорати тадбирларидан қўзланган пировард мақсадимиз қонун устуворлигини таъминлашдир.

Бағрикенглик ифодаси

Халқимизга хос юксак инсоний фазилатлар бисёр. Улар орасида, айниқса, бағрикенглик ва меҳр-муруват алоҳида ажралиб туради. Албатта, бундай фазилатлар табиатимизда ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмаган. Президентимиз таъбири билан айтганда, ўзининг куч-қудрати, эртанги ёруғ кунига ишонган халқимизга юксак инсонийлик намуналарини кўрсатишга қодирдир.

Таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида халқимизнинг яратувчилик ва бунёдкорлик салоҳияти билан уйғун тарзда олижаноб фазилатлари ҳам тўла намоён бўлди. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, мустақилликка эришганимиздан буён ўтган давр ичида Президентимизнинг маҳмулур ва айбдорларни афв этишга қаратилган ўндан зиёд Фармонлари эълон қилинди. Амнистия тўғрисидаги қарор туфайли қанчадан-қанча адашганлар озод тур-

муш тарзига қайтмоқдалар. Улар жамиятда ўз ўринларини топиб, ҳалол меҳнатлари билан гуноҳларини ювишга интилишлари тайин.

Йиқилган кимсани суяш, адашганларга йўл кўрсатиш — бир сўз билан айтганда, олижаноблик, бағрикенглик ва меҳр-муруват кўрсатиш давлатимиз сиёсатининг устувор тамойилларидан. Шу маънода, Олий Мажлис Сенати қабул қилган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарор ўзининг қамрови, инсонпарварлик меzonларига йўғрилганлиги билан ҳам улкан аҳамиятга эга. Чунки мазкур ҳужжат муносабати билан неча-неча маҳкумларнинг муддатидан илгари озод этилиши чинакам халқлараралик ҳамда бағрикенглик намунасидир.

Мазкур қарор мамлакатимизда инсон эрки ва шаъни нақадар эъзозланаёт-

Шухрат АБЕРКУЛОВ,
Наманган вилоят прокурори ўринбосари

ганини яна бир бор намоён этди. Зеро, инсон қадрланган жойдагина умр ҳаловатли, турмуш фаровон бўлади, тинчлик-осойишталик, баҳамжиҳатлик ҳўкм суради. Эъзулик одамларни олижаноблик чорлайти. Муайян сабаб билан йўлдан адашган кимсага йўл кўрсатишдан ортиқроқ савоб бормикан дунёда?!

Ўз навбатида, мазкур қарор ижросини таъминлаш барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар зиммасига жиддий маъсулият юклаши билан бир қаторда, одилликни ҳам талаб этиши тайин.

Наманган вилоят прокуратураси органлари томонидан қарор ижросини таъминлашга шу нукта назардан ёндашилмоқда. Аввало, вилоят прокурори ўринбосари раҳбарлигида про-

куратура, ИИБ ва бошқа тегишли идоралар мутасаддиларидан иборат тезкор гуруҳ тузилиб, уларнинг зиммасига қарорнинг монеликсиз ва ҳолисона қўлланиши ҳамда бу жараёнда қонунбузилишларнинг олдини олиш вазифалари юклатилди. Жазодан озод этилган шахсларнинг ихтимойй кўникмаси ва ҳимоясини таъминлаш бўйича 21 нафар аъзодан иборат вилоят ҳудудий комиссияси тузилиб, унга тегишли вазифалар белгилаб берилди.

Табиийки, ҳар бир амалга қиритилаётган Фармон ва қарорларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш ҳамда уларни бу борада олиб борилаётган ишлар билан таништириб бориш ҳам ўта долзарбдир. Буни эътибордан қолдирмаган ҳолда бевосита прокуратура органлари томонидан оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, ташкилотларда, меҳнат жамоаларида, жазони ўташ жойларида ва маҳалларда қарорнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш борасида саксондан ортиқ тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилди.

/Давоми 8-бетда/



Хотин-қизлар ҳуқуқлари қимояси

Мамлакатимизда ҳар бир йилга ижтимоий ҳаётимизнинг маъмул соҳаси ёки институтига доир ном бериш ва унинг тадрийжий ривожланишини таъминлаш аниқгина айланган. Жорий йил давлатимиз раҳбари ташаббуси билан "Мустақкам оила йили" деб эълон қилинди.

Самандар АСТОНОВ,
Навоий ихтисослаштирилган
прокурори

Дарҳақиқат, оила — энг муқаддас даргоҳ, оила бор экан, ҳаётнинг абадийлиги таъминланади, жамият таракқиёти ҳар бир оиланинг фаровонлигидан бошланади, дейишга тўла ҳақимиз.

Бу ҳақда тўхталар эканмиз, давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимда қилган маърузасидаги ушбу сўзларига эътиборни қаратмоқчиман: "... Айнан шундай масалаларни ҳал этиш ҳар қайси оиланинг юқини нолимасдан, ҳаётга шукрона қилиб, ўз елкасида кўтариб келаётган, оила кўрғонининг ҳам чиройи, ҳам чарғобони бўлган аёл зотининг, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш билан баробар эканини эсимиздан чиқармаслигимизни истардим".

Навоий ихтисослаштирилган прокуратураси ўз назорат тадбирларида НКМК давлат корхонаси ва унинг тасарруфидаги кўйи тизим корхоналарида хотин-қизлар ҳуқуқларининг қонуний ҳимояси алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 230-моддасида ногирон боласини

тарбиялаётган ота-онанинг бирига бола 16 ёшга тўлгунга қадар давлат ижтимоий сугуртаси маблағлари ҳисобидан бир кунлик иш ҳақи миқдорига ҳақ тўлаган ҳолда ойига кўшимча бир дам олиш куни берилиши назарда тутилган бўлишига қарамасдан, 16 ёшга тўлмаган ногирон боласини тарбиялаётган НКМК ДКГА қарашли Марказий моддий-техника базаси ишчиси Г.Очиловага мазкур имтиёз қўлланилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 232-моддасида 12 ёшга тўлмаган икки ёки ундан ортқ боласи бор аёллар учун кўшимча таътиллари берилиши назарда тутилган бўлса-да, жанубий кон бошқармасида бундай имтиёзга эга бўлган аёлларга улар қўлланилмаган келинган. Хусусан, мазкур бошқарма ходими Л.Муқимова, И.Петрова, З.Тилавоаларга меҳнат таътили беришда уч кундан кам бўлмаган мuddат билан ҳақ тўланадиган кўшимча таътиллари белгиланган.

Яна баъзи мисолларга тўхталадиган бўлсак, НКМК давлат корхонасига қарашли Тиббий-санитария бўлими СЭНМ томонидан Навоий машинасозлик заводи металл қуйиш мажмуасидаги

ошхонада ошпазлар Н.Гадоева ва Л.Зубовалар овқат махсулотларини ишлаштириш меъёрларига риоя қилмасдан, санитария қоидаларини бузганиги учун маъмурий баённома тузилиб, СЭНМ бош врачининг 2011 йил 26 майдаги маъмурий қарори билан мудира М.Бегаловага МЖТКнинг 53-моддасига асосан 248 675 сўм миқдорига маъмурий жарима жазоси қўлланилган.

Мазкур қарор асосиз бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ белгиланган тартибда тасдиқланган санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига ошпазлар Н.Гадоева, Л.Зубовалар томонидан риоя қилинмаган. Ошхона мудираси М.Бегалова эса кўл остидаги ҳодимлар фаолияти устидан назорат ўрнатмаганлиги учун меҳнат интизоми бузилган.

Шунга кўра, ТСБ СЭНМ бош врачининг ошхона мудираси М.Бегаловага нисбатан маъмурий жарима қўллаган тўғрисидаги қарорини бекор қилиш ҳақида протест киритилиб, ушбу фуқаронинг ҳуқуқлари тикланиши таъминланди.

(Давоми б-бетда)

Ҳамкорликда ҳикмат кўп

Ҳақимизнинг бу пурмаъно иборасини мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш борасида олиб борилаётган кенг қамровли ишларга ҳам татбиқ этиш ўринли бўлади. Зеро, давлат ва жамоат ташкилотлари бу илатга қарши ҳамкорлик ҳамда аниқ мақсад асосида кураш олиб боришса, кўзланган натижаларга эришиш мумкин.

Бухоро вилоятида одам савдосига қарши курашиш бўйича шаҳар ва туман прокуратуралари, худудий идораларо комиссиялар масъул котиблари иштирокида ўтказилган "Одам савдосига қарши курашда давлат ва жамоат ташкилотларининг вазибалари ва ўрни" мавзусидаги ўқув машғулотига ҳам бу борада ўзаро ҳамкорлик қилишининг самарадорлиги хусусида алоҳида тўхталиб ўтилди. Дастлаб ўқув машғулотига иштирокчилари тадбирнинг амалий қисми сифатида Бухоро шаҳридаги "Семурғ" спорт мажмуасида вилоят прокуратураси, вилоят ҳокимлиги, ички ишлар, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармалари ҳамкорликда ташкил этилган навбатдаги бўш иш ўринлари ярмаркасида қатнашдилар. Тадбир иштирокчилари аҳолининг бандлигини таъминлаш, вилоятдаги ташкилот ва ишлаб чиқариш корхоналари, тадбиркорлик ҳамда кичик бизнес субъектларида мавжуд имкониятлари ишга солиб, янги иш ўринлари яратиш, олий ўқув юртлиари ва коллеж битирувчиларини ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш одам савдосига қарши курашиш борасида қўйилган кўрсаткичларга эришишда илҳомий рол ўйнашини алоҳида таъкидладилар. Бу борада худудий идораларо комиссияларнинг иш режаси асосида ҳамкор ташкилот ва муассасалар билан биргаликда ўтган 2011 йил давомида ташкил этилган бўш иш ўринлари ярмаркаси тадбирлари ҳамда эришилган натижалар атрофида таҳлил қилинди.

Кун тартибидидаги масалалар юзасидан қилинган маърузаларда одам савдосига қарши курашиш бо-

расида ўтказилган тадбирлар хусусида сўз юритилди. Тадбирда иштирок этган вилоят прокурори Б.Деҳқонов вилоятда одам савдосига қарши курашиш комиссиясининг ишини ташкил этишда прокуратура, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар, комиссия аъзолари, масъул котибларининг муҳим ва устувор вазибалари хусусида тўхтади.

Янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, кичик бизнес субъектларини ривожлантириш, ички ишлар, соғлиқни сақлаш тизимида бир қатор профиларик тадбирларни ўтказиш натижасида одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар сони 2011 йилга нисбатан 65 тадан 54 тага қамайган. Шундай бўлса-да, ҳали жойларда бу борада ечимини кутаётган муаммо ва қатор камчиликлар борлиги ҳам айтиб ўтилди. Жумладан, бир қатор туман комиссиялари ишларининг суствлиги боис, иш режасида белгиланган тадбирлар тўлиқ амалга оширилмаганиги, ички ишлар органлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, хотин-қизлар кўмиталари ва бошқа жамоатчилик ташкилотлари ўртасида етарли ҳамкорлик ўрнатилмаганиги, одам савдоси билан боғлиқ жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни текширишда белгиланган мuddатларнинг бузилиши каби бир қатор камчиликларнинг борлиги эътироф этилди. Камчиликларни бартараф этиш мақсадида жойларда одам савдосидан жабр кўрган фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга етарли иш ва зарур тиббий, ижтимоий кўмак бериш, аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориш мақсадаги мувофиқ.

Тадбирда одам савдосига қарши курашиш масаласида давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини янада кучайтириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Хайрулло ҲАСАНОВ,
Бухоро вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Бугунги кунда хорижий давлатларга бориб-келиш аксарият фуқаролар учун ҳаваф бўлса, баъзилар учун олатий ҳолга айланиб бўлган. Бу ишни амалга оширишда биринчи навбатда, зарур барча ҳужжатлар тегишли тартибда расмийлаштирилиши катта аҳамият касб этади. Шундай бўлса-ла, айрим юртдошларимиз томонидан қонуна беғирилган меъёр ва талабларни бузиш ҳолатлари ҳамон учраб турибди.

Қонунга хилоф ишга йўл қўймайлик

Акмал ТУРСУНОВ,
Тошкент авиация транспорт прокурори

Бу борада Тошкент авиация транспорт прокуратураси ходимлари изчил фаолият олиб бориб, қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон ҳудудига кириш юзасидан қатор қонунбузилиши ҳолатларини фош этишди. Шу билан бирга, ўтган 2011 йил давомида рўйхатга олинган, ЖКнинг 223-моддасида қўрсатилган жиноятларнинг содир этилиши сабаблари ҳамда уларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар аҳволи ўрганилди.

Аниқланишича, ўтган йили ана шундай қонунбузилишга йўл қўйганларнинг 555 таси Ўзбекистон Республикаси, 9 таси бошқа давлатлар фуқаролари бўлиб, улардан 403 тасини аёллар, 157 тасини эркаклар, 4 тасини эса вогага етмаганлар ташкил этган.

Ушбу шахсларнинг 354 таси 1 йилгача, 147 таси 2 йилгача, 54 таси эса 3 йил ёки ундан ортқ мuddатларга яшаш жойларидан чиқиб кетиб, хорижий давлатларга яшашган. Таҳлиллар 11 та ҳолатда бошқа шахсларнинг паспортларидан фойдаланиш ёки қалбақлаштирилган паспорт билан юриш, 337 та ҳолатда визасиз, 9 та ҳолатда визани қалбақлаштириш усуллари ва 207 ҳолатда чегарани айланб ўтишни кўрсатди.

Шунингдек, айланувчиларнинг аксарияти ишлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасидан қўшни давлатлар орқали қонунга хилоф равишда чиқиб кетганликлари аниқланди. Хусусан, Қозғистон Республикасининг Олма-ота шаҳри ва Чимкент вилояти, Бишкек, Боку, Украина Республикасининг Киев ва Одесса шаҳарлари, Ботуми ва Тбилиси шаҳарлари, Москва орқали, асосан, Истанбул, Сеул, Дубай, Шаржа, Дели, Нью-Йорк, Лондон, Техрон, Карачи ҳамда Тель-Авив шаҳарларига ноқонуний равишда чиқиб кетганликлари аниқланган. Масалан, Ангрэн шаҳрида яшовчи Мунаввар Ибраимхонова 2009 йилнинг август ойида Бишкек шаҳри орқали "Манас-Стамбул-Уммон" йўналишидаги транзит рейс билан Уммон давлатига, у ердан Бирлашган Араб Амирлигининг Дубай шаҳрига борган. Дубай шаҳрида ишлаб юриб, 2009 йилнинг октябрь ойларида паспортини йўқотиб қўйганлиги сабабли, 2010 йилнинг декабрь ойида Дубай шаҳри полицияси томонидан қамоққа олинди. Шундан сўнг унга Ўзбекистоннинг Дубай шаҳридаги Консулиги орқали 2011 йил март ойида тегишли ҳужжатлар тайёрланиб, "Шаржа-Тошкент" йўналишидаги рейс билан мамлакатимизга жўнатиб юборилди.

Ушбу ҳолат юзасидан М.Ибраимхоновага ЖКнинг 223-моддаси 1-қисми билан айб эълон қилиниб, жиноят ишлари бўйича Сирғали туман судининг ҳукми билан унга тегишли жазо тайинланган.

Афсуски, бу каби жиноятлар сони қаммайяпти. "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг 13-моддасида, фуқаролар йиғини раиси ўз худуди доирасида яшовчиларни ҳисобга олиб бориши, шунингдек, тегишли худудда жамоат тартибини таъминлашда, шун жумладан, фуқароларнинг келиши ва кетишини ҳисобга олишни ташкил этишда, ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашишга доир ишларни ташкил этиши белгиланган бўлса-да, улар ушбу ваколатларидан самарали фойдаланишмаган. Бу эса ўз навбатида, бир неча фуқаронинг алданиб, қинғир йўлларга кириб қолишига сабабчи бўлган.

Тошкент аэропортидаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан бу тоифадаги жиноят ишлари бўйича ўтказилган дастлабки тергов ҳаракатларидан шу нарса маълум бўлдики, муайян шахсларнинг мамлакатимиз ҳудудидан чет элга қонунга хилоф равишда чиқиб кетаётганлигидан ИИБ ва фуқаролар йиғини мутлақо беҳабар экан. Қонунбузарликка йўл қўйган шахсларнинг ота-оналари эса фарзандлари тақдирига бефарқ бўлиб, бу ҳақда маҳалла аҳли ёки тегишли давлат органларига хабар бермаганлар.

Зеро, ҳар қандай жиноят жазосиз қолмаслиги, жазонинг эса муқаррарлигини унутиб қўймайлик.

Жамиятнинг мустақкам таянчи

Ватанга, элу юртга, ота-онага содиқлик ва фидойилик ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Унинг замирида таълим масканларида, маҳаллаларда, энг асосийси — оилада ёшларга бериладиган таълим-тарбия ётади. Оилада сингдирилган тарбия Ватанга муҳаббат, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат каби юксак инсоний фазилатларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз Ислам Каримов бу ҳақда шундай деган эди: "Оила турмуш ва виждон қонунлари асосида қурилади, ўзининг кўп асрлик мустақкам ва маънавий таянчларига эга бўлади, оилада демократик негизларга асос солинади. Одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва кадриятлари шаклланади... Бу эса энг олий даражада маънавий кадрият, инсон қалбини гавҳаридир".

Оила инсон ҳаётининг энг муҳим қисми бўлиши билан бирга миллий анъаналарни сақлаш, ўрганиш ва наслдан-наслга ўтказиш каби муҳим вазифаларни ҳам бажаради. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда салкам 7 миллион оила яшайди. Аҳоли сони 2 млн. 714 минг нафардан ошмиққ бўлган Андижон вилоятида эса 627 минг 723 та оила истиқомат қилиб келмоқда.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб жамиятда оиланинг маъқебини ошириш, манфаатларини таъминлаш ва муҳофаза қилиш, ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, оиланинг иқтисодий манфаатларини таъминлаш учун шароит яратиш, кам таъминланган оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, оиланинг маънавий-ахлоқий асосларини янада юксалтириш, баркамол авлодни тарбиялашдаги ролини ошириш каби ма-



салалар комплекс равишда қамраб олиниб, изчил ислохотлар амалга оширилди. Унинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилиб, такомиллаштириб борилди. Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIV боби оилага бағишланиб, унда оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиги ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эгалиги эътироф этилди. Миллий Конституция ва қонунларимизда белгиланган нормалар ҳалқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган норма ва принципларига тўла мос келади.

Ўтган йиллар давомида конституциявий қондаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида оила билан бевосита ёки билвосита боғлиқ 50 га яқин қонун, 20 га яқин Президент Фармонлари, қарорлари, фармойишлари, 70 дан ортик ҳуқуқат қарорлари, фармойишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Оила кодексини қабул қилинди.

Оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифалари оилада мустақкамлашдан, оилавий

муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам бериш ҳамда оила олдидан унинг барча аъзоларининг масъуллиги ҳисси асосида қуришдан, бирон-бир шахсининг оила масалаларига ўзбошимчилик билан аралашушига йўл қўймастикдан, оила аъзолари ўз ҳуқуқларини тўққинликсиз амалга оширишини ҳамда бу ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборат деб белгилаб қўйилди.

Кам таъминланган оилалар, ёш оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш, оилавий тадбиркорлик ривожлантирилишини рағбатлантириш каби вазифалар бир қатор вазирликлар, мутасадди идораларнинг асосий вазифаси сифатида белгиланди.

Ҳар қандай жамиятда оилалар мустақкамлигининг аҳамияти беқийс. Оила мустақкамлиги эса бир қанча омилларга боғлиқ. Глобаллашув жараёни кечаётган, шу билан бирга, турли маънавий таҳдидлар ўзини намоян этиб турган бугунги кунда оилалар мустақкамлигини

таъминлаш, кўп жиҳатдан ёшларимизни оилавий ҳаётга тайёрлаш масаласи билан боғлиқ. Бу вазифа ота-оналар, ўқитувчи ва мураббийлар, дин уламолари, умуман, жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси зиммасига улкан вазифалар юклайди.

Шу ўринда айрим маълумотларга эътиборингизни қаратиб ўтмоқчимиз. 2010 йилда АҚШлик мутахассислар бу мамлакат оилавий ажрашлар бўйича биринчи ўриндалигини эълон қилишган. Британиялик мутахассислар эса ўз мамлакатларида қайд этилаётган ҳар 6 оиланинг 5 тасида ажрашш кузатилаётганини маълум қилишган. Бу маълумотлар оилалар мустақкамлигида ҳақиқат ҳам иқтисодий омил асосий ўрин тутмаслигини кўрсатади.

Республикамизда оила қуриш ёшидаги йигит-қизларнинг билимларини, масъулиятини шакллантириш мақсадида никоҳга тиббий қуриқдан ўтказиш, ёшларни соғлом оила барпо этишга тайёрлаш масаласига эътибор қўйилди.

Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, меҳнат фаолиятини бошлаш ва мустақил ҳаётга кириб келишида уларга зарур ёрдам кўрсатиш, барқарор даромад манбаларини шакллантириш механизми ва амалий рағбатлантириш омиллари яратиш ҳамда уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш мақсадида 2007 йил 18 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

"Онгли яшайдиган ҳар бир одам яхши англайдики, бу ёрғ

Султонбек ЮЛБАРСОВ,
Андижон вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси

оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, ҳаёт абадийлиги, бебаҳо неъмат бўлмиш фарзанд бор. Фарзанд бор экан, одамзод ҳақиқат келажагини ўйлаб, эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди", — деган эди Юртбошимиз Конституцияимизнинг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида.

Шу маънода, аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустақкамлаш, соғлом бола туғилиши ва уни тарбиялаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, жисмоний ва маънавий баркамол ёш авлодни воёга етказиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 2009 йил 1 июлда "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустақкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни воёга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Қарорлари қабул қилинди. Оилани соғломлаштириш, соғлом турмуш тарзи тарғиботи доимий эътибордаги масалалардан бирига айланди.

Президентимиз таъбири билан айтганда, оила соғлом экан — жамият мустақкам, жамият мустақкам экан — мамлакат барқарор.

Жамиятимизнинг мустақкам таянчи бўлган бахтли, мустақкам оилалар бундан-да кўп бўлсин.

Жасур ва ўқтам йигитлар

Ўз озодлиги ва эркин ҳимоя қилишга қодир халқгина ўзини мустақил деб ҳисоблай олади. Шу боис ҳам истиқлолнинг биринчи кунинанок мамлакат мудофасини мустақкамлашга, миллий армиямизни ташкил этиш ва шакллантириш масалаларига катта эътибор бериб келинмоқда.

Қуролли Кучларни ташкил этиш борасида амалга оширилган ислохотлар натижасида армиямизнинг нуфузи, жанговар шайлиги йилдан-йилга ошиб, тартиб-интизом мустақкамланмоқда. Бугун қақирлувчилардан, ота-оналардан келаётган қўллаб мувожаатномалар ҳам халқимиз орасида армиямизнинг обрўси нақадар ошганлигидан далолатдир. Буни ҳар бир йигит миллий армиямиз сафида хизмат қилишни орзу қилиб, чин дилдан истаётганидан билишимиз мумкин.

Юртбошимизнинг шу йил 12 январдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мuddатли ҳарбий хизматга навабтдаги қақирлувчи ҳамда белгиланган хизмат мuddатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида"ги Қарорига қўра, Самарқанд вилоятида ҳам қақирлув мавсумига пухта тайёрларлик қўрилди.

Албатта, армияда хизмат қиладиган йигитлар жисмонан ва маънан етук бўлишлари керак. Кенг дунёқарашга, юксак фикрлаш ва таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлган, замонавий техника ва технологиялардан тўлақонли фойдаланиш оладини ҳаққий ватанпарвар ҳарбий хизматчиларни тарбиялашга эътибор қаралинган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган тизимли ислохотлар натижасида юртимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга қодир, замонавий ва ҳаракатчан,


Дўстбек СУЛАЙМОНОВ,
«Huroq»

ҳар тамонлама яхши қуролланган ва юқори маънавий кадрларга эга миллий армиямизни шакллантиришга эришилмоқда.

Бунинг учун зарур ҳуқуқий асос яратилиб, соҳага оид қонунлар такомиллаштирилиб борилмоқда. Жумладан 2002 йилда "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни янги таҳрирда қабул қилиниб, янги ҳарбий хизмат турлари ташкил этилди. Президентимизнинг 2008 йил 20 ноябрдаги "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида мuddатли ҳарбий хизматини ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида ҳарбий хизматга қақирлув бир йилда бир марта амалга оширилмоқда. Шунингдек, мuddатли ҳарбий хизмат бир йил этиб белгиланди.

Самарқанд вилоят мудофаа ишлари бошқармаси қақирлув пунктида мuddатли ҳарбий хизматга қақирлув йигитларни тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда вилоят ҳокимлиги, Самарқанд ҳарбий прокуратураси, вилоят Мудофаа ишлари бошқармаси, ота-оналар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок

Ватан ҳимоясига отланишди



этишди. Сўзга чиққанлар ўз юрти олдидан бурчини бажаришга шайланган йигитларга омад ва муваффақиятлар тилашди.

— Ҳар биримиз ҳарбий хизматга чоғланган йигитларни кузата туриб, кўнглимизда фахр ва ифтихор туйғулларини ҳис этаёмиз, — дейди Самарқанд ҳарбий прокураи ёрдамчиси Сўҳроб Бердиқулов. — Навқиронлик ва ёшлик шиддати жўш урган йигитлар тинчлигимиз посбонларидир. Айнан ҳарбий хизматчиларимизнинг заҳматли ва шарафли хизматлари туйғайли ҳаётимизда осудалик ҳўқурмон. Буни халқимиз яхши билади ва уларга ишонди.

— Юртимизда фуқароларнинг мuddатли ҳарбий хизматга қақирлув бир йилда бир марта амалга оширилаётган бўлса, қақирлувчилар билан йил мобайнида иш бўлиб қилинмоқда. — дейди Самарқанд вилоят Мудофаа ишлари бошқармаси қақирлув бўлими бошлиги, майор

Мурод Ўлмасов. — Жойлардаги қақирлув комиссияларида қақирлувчилар тиббий қуриқдан ўтказилиб, уларнинг жисмоний ва интеллектуал қобилияти, оилавий аҳоли доимий равишда ўрганилиб борилмоқда. Мuddатли ҳарбий хизматга лаёқатли, саломатлигида нуқсони бўлмаган, жисмонан етук ёшлар саралаб олинмоқда. Сўнгра улар жойлардаги таълим муассасаларида республика давлат тест марказининг вилоятдаги вакилиги томонидан тест синовларидан ўтказилиб, юқори натижаларга эришганлар вилоят тиббий комиссияси томонидан яна бир бор тиббий қуриқдан ўтказилиб, мuddатли ҳарбий хизматга кузатилимоқда. Бугун вилоятимизнинг бир оз эллика яқин йигитлари ўз ҳарбий хизмат вазифаларини бажариш учун йўлга отланишди. Уйлайманки, бу йигитлар Ватан ва жамият, ота-онаси ва яқинлари олдидан бурчларини сидқидилдан бажариб қайтишади.

— Фарзандимнинг эғнидаги аскарлик либоси ярашиб турганини кўриб кўзим қувнади, — дейди ҳаяжонини яширолмаган Олим Сафаров. — Бу ота-она учун энг катта қувонч. Осмонимиз мусаффолигини таъминлайдиган бу йигитларимиз ой бориб омон қайтишсин!

— Ҳарбий хизматга кетаётганимдан ҳурсандман, — деди Ватан ҳимоясига отланган Аҳрор Мухторов. — Менимча, бу ҳар бир йигитнинг кўнглидаги энг яхши нияти бўлса керак. Мана, аскарликка олинган йигитлар қатори барча синовлардан ўтиб, хизмат бурчимни бажариш учун хизматга отландим. Сарҳадларимизни асрашдек улкан бурчини зиммамизга олар эканмиз, сергаж ва мард бўлишга ҳаракат қиламиз.

Ана шундай шерюрак Ватан посбонларимиз бор экан, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлади. Қалбда юрт ишқи билан эл манфаати йўлида шарафли хизматга чоғланган аскарлари бор экан, буюк мақсадлар сари олға бораётган мамлакатимиз бундан-да гуллаб-ғашайверади.

Бугун мамлакатимизда содир бўлаётган ўзгаришлар ва унинг натижасида эришилган ушбу ютуқларнинг барчаси истиқлол туфайлидир. Бу эса жамиятимизда ўтказилаётган кенг қамровли ислохотлар самарасидир. Бунинг ҳар бир юрдошимизнинг турмуш тарзидаги, дунёқарашидаги ўзгаришларда яққол кўриш мумкин.

Фаровонлик калити

Бахтиёр САМИЕВ,

СВОЖЖДЛҚК Департаментининг бўлим катта инспектори

Ўтган 20 йил давомида Президентимиз бошчилигида тadbиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Қонунчилик соҳасида бир қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Буларнинг барчаси тadbиркорлик фаолиятини янада омалаштириш ва шу асосда халқимиз фаровонлигини юксалтиришга қаратилгандир.

Бу ислохотларнинг манфикий давоми сифатида Президентимизнинг 2011 йил 4 апрелдаги "Тadbиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

Мазкур фармонга мувофиқ, янги ташкил қилинган кичик бизнес субъектларининг молия-ҳўжалик фаолияти улар давлат рўйхатида олинган вақтдан бошлаб дастлабки уч йил мобайнида режали солиқ текширишларидан ўтказилмайди, лекин акциз солиғига тортиладиган товарлар ишлаб чиқарувчи кичик тadbиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш, шунингдек, бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ текширишлар бундан мустанослиги белгиланди.

Ушбу имтиёз берилганга қадар янги ташкил қилинган кичик бизнес субъектларининг молия-ҳўжалик фаолияти улар давлат рўйхатида олинган пайтдан бошлаб ҳар 2 йилда режали солиқ текширишларидан ўтказилар эди. Бу имтиёзнинг берилиши янги ташкил этилган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг барқарор ишлашини, ижтимоий-иқтисодий соҳада эркин фаолият кўрсатишини таъминлади.

Шунингдек, фармонда 2011 йилнинг 1 апрелидан 2014 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган, шунингдек, ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тadbиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятини солиқ соҳасида текшириш тақиқлашни ҳамда кичик тadbиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ соҳасида текшириш муддатларининг қонун ҳужжатларида уларни ўтказиш кўзда тутилган максимал муддатдан, яъни 30 календар кунидан ортиқ муддатга узайтирилишига йўл қўйилмаслиги белгиланди.

Мазкур имтиёзлар берилиши натижасида ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан тadbиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларни шакллантиришга, тadbиркорлик фаолиятининг асосий чекланишига йўл қўймасликка эришилди.

Тўсиқларга йўл йўқ

Маълумки, мамлакатимизда хусусий мулкчиликни ривожлантириш йўлида ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш бугунги куннинг дозарб вазифаларидан ҳисобланади.

Орзумурод УМАРОВ,
Навий вилоят ДСБ
бўлим бошлиғи

ши ҳам бекор қилинди. Солиқ хизмати тизимида ҳам қарор талаблари ижросини таъминлаш, тadbиркорларга қўлай шaroитлар яратиш, уларга интерактив хизматларини кўрсатиш мақсадида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга муҳим аҳамият бериб келинмоқда.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан интернет тармоғи орқали жорий этилган интерактив хизматлар тизими солиқ тўловчилар учун ахборот ва маълумот айирбошлашнинг энг қўлай, арзон ҳамда ишончли воситаси бўлиб қолди. Ушбу тизимдан фойдаланиш эвазига солиқ тўловчилар солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш, солиқ ва бошқа молиявий ҳисоботларни, бошқа зарурий ҳужжатларни электрон кўринишда шакллантириш ҳамда солиқ органларига жўнатиш имкониятига эга бўлди. Бунда, биринчидан, ҳужжатларни қозғ кўринишда топширишга эҳтиёж қолмади. Иккинчидан, солиқ ва молиявий ҳисоботлар интернет тармоғи орқали юборилаётганидан факат айрим мантйкий ҳамда арифметик хатоликларнинг олди олинган бўлди. Муҳими, солиқ органига бориш, навбат кутиш, ҳисоботни топшириш ва қайтариш учун сарфланган вақт солиқ тўловчилар учун фойдага қоладиган бўлди.

Президентимиз томонидан қабул қилинган Фармон ва қарорларнинг ҳаётта таъбиқ этилиши тadbиркорлик фаолияти кўламини кенгайтиришга, мамлакат экспорт салоҳиятини оширишда кичик бизнес субъектларининг фаол иштирок этишлари учун қўлай шарт-шaroитларни яратишга, уларнинг мамлакат тараққиёти йўлидаги фаол ҳаракатлантирувчи куч сифатида шаклланишига ва иқтисодиётдаги улушини янада кўпайтиришга хизмат қилади.

Пенсиянинг ҳуқуқий кафолати

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасида ҳар ким қариганга, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга эканини, пенсия, нафақа ва бошқа хил ижтимоий ёрдам турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур бўлган энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган.

1993 йил 3 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуни қабул қилиниши муносабати билан фуқароларнинг ижтимоий таъминот олиш бўйича конституциявий ҳуқуқи мустаҳкамланди.

Орадан ўтган давр мобайнида эса фуқароларнинг пенсия таъминотига оид ҳуқуқ ва эркинликларини белгилувчи қонун нормалари янада такомиллаштирилди. Жумладан, ишлаб турган пенсияерларга, ишалайдиган пенсияерларга пенсия тўлаш, пенсияларни қайта ҳисоблаш бўйича амалдаги қонунларга бир қанча ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

2012 йил 5 январда эса, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур қонуннинг янги тахрирдаги 31-моддасига кўра, пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун ишдаги мавжуд танафуслардан қатъи назар, охириги ўн йиллик меҳнат фаолияти давомидаги исталган кетма-кет беш йил учун иш ҳақи ҳисобланади.

Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинмаган ўртача ойлик иш ҳақи кетма-кет ишланган олти ой календар ойлар учун қайта ҳисобланган иш ҳақининг умумий миқдорини олти ойга бўлиш йўли билан аниқланади. Бунда пенсия сўраб мурожаат этган кишининг хоҳишига кўра, ишга қабул қилиш ёки меҳнат шарт-

номасини бекор қилиш муносабати билан иш кунлари сони тўлиқ бўлмаган ойлар тўлиқ ишланган календар ойлар сифатида ҳисобга олинади.

Пенсия сўраб мурожаат этган киши беш йилдан кам ишлаган ҳолларда пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинмаган ўртача ойлик иш ҳақи ишланган календар ойлар учун қайта ҳисобланган иш ҳақининг умумий миқдорини шу ойлар сонига бўлиш йўли билан аниқланади.

Мавсумий ишларда банд бўлган ходимларга пенсиялар тайинлашда пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинмаган ўртача ойлик иш ҳақи исталган кетма-кет беш мавсумдаги иш ҳақининг умумий миқдорини олти ойга бўлиш орқали белгиланади.

Илгари бундай ҳолда пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам иш ҳақининг саккиз хиссасидан ортиқ бўлмаган иш ҳақи олинмиши белгиланган эди, қабул қилинган ўзгаришларга кўра, пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинмаган ўртача ойлик иш ҳақи энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан оз бўлган ёки иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар умуман мавжуд бўлмаган ҳолларда пенсия энг кам ойлик иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Қонуннинг янги тахрирда қабул қилинган 32-моддасида "Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинмаган қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурта бадаллари ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги барча даромад-

Ш.ҚҲОҚОВ,
Қарши шаҳар прокурорининг
катта ёрдамчиси

лар қўшилади", дейилади. Бундан ташқари, давлат томонидан ижтимоий суғурталанмайдиган шахсларга пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинмаган иш ҳақига қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурта бадаллари ҳисобланадиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларга ўхшаш пул таъминотининг барча турлари қўшилади.

Ўқиш даврида тўланган стипендия пенсия сўраб мурожаат этган кишининг хоҳишига биноан иш ҳақига тенглаштирилади.

Иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган, яъни деҳқон ҳўжалигининг аъзолари, айрим фуқароларнинг юмушларини бажарувчи ва бошқаларнинг пенсиясини ҳисоблаб чиқариш учун олинмаган иш ҳақининг миқдори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланган суғурта бадалларнинг миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган, меҳнатга лаёқатсиз, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларни моддий жиҳатдан рағбатлантириб бориш орқали кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатини юритиш тараққиёт йўлимизнинг асосий йўналишларидан биридир. Пенсия қонунчилигидаги мазкур ўзгаришлар эса, юртимизда ижтимоий адолат принципларини янада кенроқ намоён қилиши ва иқтисодий таянчларимизни кучайтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳимояси

/Давоми. Бошланиши 4-бетда/

Мамлакатимизда хотин-қизларга қўлай меҳнат шaroитларини яратиш бериш миллий қонунчилигимизда мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 225-моддасида меҳнат шaroити ноқулай ишларда аёллар меҳнати қўлланиши тақиқланиши, аёллар меҳнатининг қўлланиши тақиқланадиган меҳнат шaroити ноқулай ишларнинг рўйхати ҳамда улар кўтаришлари ва ташқишлари мумкин бўлган юк нормаларининг чегараси белгиланган.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамда Касба уюшмалари федерацияси Кенгаши томонидан тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 5 январда давлат рўйхатида ўтказилган аёллар меҳнати тўлиқ ёки қисман қўлланилиши тақиқланадиган меҳнат шaroити ноқулай бўлган ишлар рўйхатига асосан аёлларга электромонтёрлик хизмати кўрсатиш ва таъмирлаш вазифасини топшириш тақиқланган. Шунга қарамай Меҳнат кодексининг 225-моддаси талабларига эид равишда Зарафшон қириқ бошқармаси трести Навоий майдони бошлиғининг 2011 йил 17 майдаги буйруғига биноан 1988 йилда тутилган Э.Сейдаметова электромонтёрлик хизмати ва таъмирлаш вазифасига ишга қабул қилинган.


Ушбу буйруққа протест келтириш йўли билан Э.Сейдаметова аёллар учун қўлай ишга ўтказилиши таъминланди.

Бундан ташқари, НКМК давлат корхонасида хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга эътибор қаратган ҳолда фуқаролар мурожаатлари қўриб чиқилишининг қонунийлиги ўрганилганда, бир қатор қонунбузилиши ҳолатлари аниқланди. Қонунбузилиши ҳолатлари ва бунга имконият яратиб берган шарт-шaroитларни бартараф этиш тўғрисида корхона бош директорининг ўринбосари номига киритилган тақдимнома прокуратура ва соҳага дахлдор ходимлар иштирокида муҳокама қилинди. НКМК давлат корхонасида тақдимнома бўйича қўрилган чора-тadbирлар ўлароқ, фуқаролар мурожаати билан ишлаш юзасидан меъёрий ҳужжатларнинг такомиллаштирилиши таъминланди ва қонуний асосларга кўра тегишли йўриқнома ишлаб чиқилди.

Қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашдек олий қадриятлар жамият ривожига ва барқарорлигининг таянчи эканлигини алоҳида таъкидлаган ҳолда ушбу жараёнда оила институти алоҳида ўрин тутишини асло унутмаслик лозим.

Сохта қарздорлик

коммунал тўловлар тўғрисида айрим мулоҳазалар



Кўча-кўйда, ишла, марака ва ҳашамларда, қўйингки, ҳар кунги суҳбат мавзулари орасида коммунал тўловлар масаласи долзарблигича қолмоқда. Ҳақиқатдан ҳам, аҳолининг электр энергияси, табиий газ ва бошқа коммунал тўловлардан қарзи ошса ошяптики, камаётгани йўқ. Ушбу соҳа мутасаддилари билан биргаллик бошқа корхона ва ташкилотлар, маҳалла ҳамда қишлоқ вакиллари иштирокида бир неча бор ялпи савкарбарлик орқали қарздорликни камайтиришга қаратилган ҳаракатлар ҳам вақтинча самара бериб, кейинчалик яна муаммолигича қолмоқда. Бу эса қарздорликнинг ошиб бориш сабабларининг чуқур ўзаги ўрганилмаётгани ҳамда ечимининг топилмаётганидан далолат беради.

СВОЖДЛКК Департаментининг Бухоро вилоят бошқармаси ходимлари томонидан коммунал тўловлар ҳамда ушбу соҳада хизмат кўрсатаётган корхоналар фаолияти бўйича 2010 йилда 19 ҳолатда жиноят ишлари кўзга тушиб, ноқонуний фойдаланиш сабабли электр энергияси бўйича 55,9 млн. сўм, табиий газ бўйича 22,0 минг сўм зарар етказилганлиги, истеъмолчилар билан молиявий масалаларда ноаниқликларга йўл қўйилганлиги оқибатида 9809,4 млн. сўмлик солиқ ва мажбурий тўловлар тўланмай келинганлиги аниқланиб, зарарларнинг тўлиқ ўндирилиши таъминланган бўлса, 2011 йилда кўзга тушган жиноят ишлари 7 тага кўпайган.

Шунингдек, коммунал тўловлар бўйича боқимандалик кайфиятининг келиб чиқиши сабабини ўрганиш жараёнида соҳага оид корхоналардаги ички тартиб-қоидалар, меъёрий ҳужжатлар, ташкилий тузилиш ва бошқарув шакллари тақомиллаштириш масалалари самарали ташкил этилмаганлиги ҳолат-

лари кузатилди. Масалан, мижознинг коммунал тўловларни ҳисобга олиш шахсий ҳисоб дафтарчасини кўздан кечирган мижозлар билан ишлаш бўлими ходими унинг икки йилдан буён тўлаган пуллари ҳисобга тушмаганлигини айтиб, бухгалтериядан белгилатгандан кейин шахсий ҳисоб варағига қайд қилишини билдиради.

Ўринли савол туғилади, нарҳотки, бир бўлимдан иккинчи бўлимга маълумот бериш учун мижознинг ўртада сарсон бўлиб юриши шарт бўлса?

Мижозлар билан ишловчи автоматлаштирилган маълумотлар базасига маъсۇл бўлган бўлим ва бухгалтерия бир-бири билан боғланмаган. Тўланган пулни бухгалтерия бўлими ходимлари ёнгинасида дая қўйилган бўлимга ҳисобга олиш учун тақдим этмайди. Мижознинг ўзи бухгалтериядан белгилатиб, тегишли бўлимга киритиб берсагина, ҳисобга олинади. Шундай қилиб, бир неча йил ўтса-да, мижоз то ўзи мурожаат қилмагунча бухгалтерияга тушган пул ноаниқ сумма тарзида,

мижоз эса қарздорлар рўйхатида қолаверади.

Тўғри, баъзида тўлов ҳужжатларини мижознинг хос рақами ва манзили, исм-фамилияси аниқ ёзилмаганлигидан идентификациялаб бўлмайди. Бундай ҳолда тўловни қабул қилганларга маблағ эътироз билан қайтарилса, улар ҳам салгина эътиборли бўлиб ёзишга ўрганади ва тўлов ҳужжатидан мижозни идентификациялаб бўлмаганлиги учун шахсий ҳисоб варағига тушириш имконияти бўлмади, деган баҳоналарга ўрин қолмасди.

Аммо, айрим ҳолларда мижоз бу масалани ҳал қилгандан сўнг яна қарздор бўлиб чиқаради. Унга коммунал тўловларни ҳисобга олиш дафтарчаси бўйича қарзи йўқлиги, ҳисоблагич кўрсаткичи бўйича тўланганлиги, лекин энди компьютерда қарз чиққанлигини айтишади. Компьютер экранини шундай жойлаштирилганки, мижозда ундаги ёзувни кўриш имконияти йўқ. Шу боис, қарздорлик сабаби айтилмайди ва инобатга олинган ҳисоб ҳужжатлари бўйича юритилган шахсий ҳисоб варақадан кўчирма берилмайди. Агар сўралса, турли баҳоналар қилинади. Унгача навбатнинг тирбандлигидан мижоз оператор олдида нарига сурилиб, чиқиб кетганини ҳам сезмай қолади. Шунда ҳам бўш келмай, талаб қилса, ахйир "Сизнинг ҳисоблаш ускунаси кўрсаткичи ҳақиқатдагисидан анча ошириб ёзилган, ноқонуний уланешлар кўп. Шунинг учун меъёрдан ортқича йўқотишларни бўлиб ёганмиз. Кўшиб ёзилган қарздорлигини камайтираемиз", дея ўз рақабларни номига билдирги

ёзишади, иккинчи ходимга эса ноаниқликларга йўл қўйгани учун танбех берган бўлишади. Бунини қўрган мижоз иши сал бўлса-да, олдинга силжиганидан мамнун ҳолда ортга қайтади. Аммо эшикдан чиқмасиданок, қарзбу мавзу ёпилади, сохта қарздорлик эса қолаверади... Бу ҳолатда мижознинг бошқа истеъмолчилардан фарқи — уни ҳеч ким қарзи учун судга ҳам бермайди, тўлашини сўраб, безовта ҳам қилмайди.

Ана шуларнинг ўзиёқ, истеъмолчилар ишончининг йўқолишига, боқимандалик кайфиятининг ошишига сабаб эмасми?!

Шу ўринда яна бир ҳолатга эътибор қаратсак: коммунал хизматлардан фойдаланувчиларнинг ҳисоб дафтарчалари мавжуд бўлиб, ушбу дафтарчадаги ёзувлар билан бухгалтерия ҳужжатларидан ёзувлар бир хил бўлиши лозим. Бундан ташқари, ҳисоб дафтарчаси билан бухгалтериядаги шахсий ҳисоб рақами маълумотлари иккала томон учун асосли ва бирламчи тенг кучга эга ҳужжат ҳисобланади, бири иккинчисидagi ноаниқликларни бартараф қилиб туради. Автоматлаштирилган маълумотлар базаси эса мижозлар билан ҳисоб-китоблар аҳволи тўғрисидаги маълумотларни тезкор қайта ишлаб, бошқарувда тўғри қарорлар қабул қилиш, фаолиятда юз бераётган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш чораларини белгилаш йўналиши бўйича бошқаришда эҳтимоли юқори бўлган тезкор ахборот сифатида фойдаланилади. Мижозда ҳисоб дафтарчаси бор экан, компьютерлаштирилган ҳисоблаш тизи-

Эркин АБДУЛЛАЕВ,
СВОЖДЛКК Департаментининг
Бухоро вилоят бошқармаси
бўлим бошлиғи

мига асосланган маълумотларга эҳтиёж қолмайди.

Шундай экан, махсуслотлар сотиш ва хизматлар кўрсатиш бухгалтерияда акс эттирилиши шартлигини инобатга оладиган бўлсак, коммунал хизматлар кўрсатиш корхоналарида ташкилий бошқарув тизими ўзгартирилса, яъни мижозлар билан бухгалтерия ходимларининг ишлаш, автоматлаштирилган маълумотлар базасига маъсۇл бўлим туғатилиб, унинг вазифаси бухгалтерияга юқлатилса, моддий жавобгар шахсларга эса бухгалтерияга ҳисобот бериш мажбуриятлари белгиланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Мабоодо, автоматлаштирилган ҳисоблаш тизимидаги маълумотлар (бухгалтерия ёзуви асосида киритилган маълумотлар асосида)дан фойдаланишга мижозларда эҳтиёж туғилган тақдирда, мижозлар хонаси ташкил этилиб, унда ойна орқали ҳимояланган томонда компьютер, хонада эса фақат шахсий хос (абонент) рақамини терувчи рақамли клавиатура қўйилса, киноф. Бундай ҳолатда мижоз ўзи дафтарчаси билан бухгалтерия ёзувларини бемалол таққослайди. Агар тафовутларни аниқласа, бухгалтерияга мурожаат қилади. Бу эса, ходимларнинг ортқича бандлигини камайтириб, меҳнат унумдорлигини яхшилаيدди. Шу билан бирга, мижозларнинг ортқича навбатда туриб, қимматли вақтлари ва соғлиқлари йўқолишининг олди олинади.

Ҳамма замонларда ҳам одамлар ўртасидаги ўзаро ишонч тўғрисида сунистеъмол қилиб, мол-дунё, сохта обрў орттиришга интиладиганлар — фирибгарликни касб қилиб олганлар бўлган. Аммо, бугунги шикоятли ва тез суръатларда ривожланаётган замонамизда бундай тоифадаги одамлар кўпроқ учраётгандай туюлади. Негаки, кечагина туппа-тузук юрган киши эртасига фирибгарлик кўчасига кириб қолаётганига кўп бор гувоҳ бўлиш мумкин. Эндигина 30 ёши қаршилаган Ш.Муқимовни таниган-бизанларнинг ҳам ҳеч бири вақти келиб у фирибгарлик жинояти учун суднинг қора курсидадан жой олади, деб ўйламаган бўлишса керак.

Хар йили баҳор тўғаб, ёз бошланган бир паллада қиш бўйи тузган режаларини амалга оширишга киришган фирибгарлар тоифаси ғимирлаб қолади.

Тўғри топдингиз, улар фарзандларини олий ўқув юрталари ёки нуфзлироқ коллежаларга ўқишга киритиш ҳаракатида тушган ота-оналарни тўзқача тушириш пайида бўлишади. Яъники, фарзандига тузукроқ ва чуқурроқ билим бериш ўрнига пора эвазига бўлса-да, биронта олий ўқув юр-

Фирибгар «домла»

тига жойлаб қўйиш дардида юрган ота-оналар бундай фирибгарларнинг назаридан четда қолишмайди.

Ўтган йилнинг 18 июлида фуқаро М.Музаффарова жияни Г.Музаффаровани Тошкент Ирригация ва мелиорация институтига ўқишга жойлаштириш ҳаракатида юрганида Ш.Муқимов билан танишиб қолади. М.Музаффарованинг мақсади, жиянини ушбу институтга киритиш эканлигини билган Ш.Муқимов фирибгарлик йўлига ўтади. Яъни, аввалга ўзини мазкур институтда ишлашини, ихтисод фанидан дарс беришини айтиб, унинг ишончига киришга ҳаракат қилади. Кейин, олий ўқув юртига кириш имтиҳонлари анча мураккаблигини, аммо таниш-билиш ёки маълум микдордаги пора эвазига бу муаммони ҳал этиш мумкинлигини айтиди.

Табиийки, жиянини ўқишга "жойлаштириш учун" таниш қидириб юрган М.Музаффарова институт "домласи" билан танишиб қолганидан беҳад хурсанд бўлади. Аммо биринчи марта кўришиб, гаплашиб турган одамга ишониб бўлармиди? Шу маънода, М.Музаффарова унинг ҳақиқатдан ҳам шу институт ходими эканлигига ишонч

Улугбек АНВАРОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси
АМИБ терговчиси

ҳосил қилиш учун суҳбат давомида саволлар бериб, уни синаб кўрган бўлди. Олий ўқув юртининг ўқитувчиси родини ўйнаётган Ш.Муқимов сир бой бермади.

Хуллас, Ш.Муқимов уни жиянининг институтга ўқишга киришига ёрдам бериши мумкинлигига ишонтирди. Бу "иш" 4 минг АҚШ долларисиз хал бўлмаслигини айтганида М.Музаффарова иккилангандай бўлиб, "ўйлаб кўриши кераклигини" айтиди.

— Нимасини ўйлайсиз? Ё жиянининг билимига шунчалки ишонасизми?

— Озгина келиштирсангиз... Бундан яхши нархни тополмайсиз. Мен шу ерда ишлаб юрирман-ку, ҳозирги ахволни биламан. Бу пулни институтнинг "катталари"га олиб бериб беришим керак, менга арзимеган фоиз қолади.

— Барибир 4 минг доллар катта пул. Ўйлаб кўришимга бироз муҳлат беринг, — деди ҳамон бир тўхтамага келолмаётган М.Музаффарова.

— Ўзингиз биласиз. Мен шунчаки, вақтни бекор кетказманг, депман. Имтиҳонларга оз вақт қолди. Кейин улгурмай қоламиз, мен ҳам ёрдам беролмайман...

— Яхши, фақат ҳозирча уч мингини тўғрилаб берсам бўладими? Қолганини кейинроқ, августнинг охириларига етказсам...

Ш.Муқимов фирибга деярли чув тушган "мижоз"ни кўлдан бой бергиси келмади. Ўзини нималарнидир чамалаб кўраётган одамдай тутиб, бир муддат индамай турди. Сўнг, "майли, бир амаллармиз. Фақат уч мингни эртаёқ етказасиз...", деди.

Томонлар эртасига "Олмазор" метро бекатида учрашишга келишиб олшгач, ўз йўлларига кетишди. М.Музаффарова йўл-йўлакай, жиянига телефон қилиб "ишинг хал бўлди, ўзингни талаба, деб ҳисоблайвер", дея суюнчи олишга ҳам улгурди. Аммо кўнгли хижил эди. Уйига бориб, оиласи билан масалани муҳокама қилиб кўрганидан сўнг, бир тўхтама келди. Ҳўққ-тартибот органига ариза билан мурожаат қилишга қарор қилди.

Эртаси куни ундан 3000 АҚШ долларини олаётган чоғида Ш.Муқимов жиноят устида қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг ҳукми билан фирибгар "домла" тегишли жазосини олди.

Кўнгли тилаган муродига етса киши...

[Давоми. Бошланиши 1-бетда]

Лекин тақдир унга бу имкониятни бермади. Яхшилик қилди, яхшилик қўрмади. Охир Ҳинд сори юзланди:

*Толёв йўки жонимга балолиг бўлди,
Ҳар ишни айладим хатолиг бўлди.
Уз ерни кўйиб Ҳинд сори юзландим,
Е раб, нетайин, не юз қаролиг бўлди.*

Қалбидаги улкан муҳаббат кўчталарини Бобур Ҳиндистонга кўчириб ўтказиб, бу юртни ўзгартирди. Бу кўчталар шундай гуржираб, барқ уриб ўсиб-яшнадики, мевалари оламни яна бир бор Ҳинд сори юзланишга мажбур этди. Ҳинд халқининг буюқ фарзанди Жавоҳарлал Неру кейинчалик, "Бобур-дилбар шахс. Уйғониш даври ҳукмдорининг ҳақиқий намунасидир. У мард ва тadbиркор одам бўлган. Бобур ўта маданиятли ва жозибали, одамлар орасида энг етук инсонлардан бири эди. У мазҳабпарастлик каби чекланишдан ва мутаассибликдан йироқ эди. Бобур санъат ва айниқса, адабиётни севар эди", дея унинг фаолиятига юксак баҳо беради. Фатҳ этилган юртнинг улуг фарзанди Бобур ҳақида шундай гап айтиши, унга бу даражада юксак баҳо бериши беқорга эмас. Ҳиндистонга юриш қилган ақсарият ҳукмдорлардан фарқли ўлароқ, Бобургина бор бисотини Ҳиндистонга олиб бориб, ўша жойни ўз юртидек обод қилишга уринган. Энг муҳими, Бобур Мирзо салтанатни идора этишда халқ хоҳиш-иродасини

инобатга олар, унинг манфаатларини кўзлаб иш тутарди. Маданият, маънавият, яратувчанлик ишининг доимийлиги Бобур давлатининг устувор йўналишлари эди. Бу соҳаларга, жумладан, илм-фан ривожига давлат аҳамиятига молик иш сифатида қаралган. У саройлар, қасрлар қурдирган, боғлар бунёд этган. Гарчи Неру Бобурни дилбар шахс сифатида эътироф этган бўлса-да, у нафақат дилбар шахс, балки зулмат ичра шерга айланган бардош тисмоли эди.

Бобурнинг улкан санъаткорлиги шундаки, шахсий кечинмаларини жиддий умумлашма даражасига кўтара олади ва натижада асарларида олға сурилган гоёлар умуминсоний қадриятлар даражасига кўтарилди. Бобур ижодиди, хусусан, шеъриятида киндик қони томган она-юртни дил-дилидан кўмсаш, унинг тупроғига таппиниш, гариблик азобларидан ўтли ҳасрат, ёру диёр соғинчи ва висол илинжи, тақдир зарбалари, замона носозликларидан нола бадий таҳлил этилади.

Ўзининг шох асари "Бобурнома"да ҳам, дард силкиб турган ҳайратомуз ғазал ва рубоийларида ҳам Бобур она-Ватанга муҳаббат ва соғинч туйғулари билан ёниб яшади. Хар сафар Қобулга келганда Амударёнинг нариги соҳилидан еган шамолга кўксини тутди, у билан ҳасратлашди.

Унинг ижодиди ишқ-муҳаббат, висол ва ҳижрон мавзуи ҳам салмоқли ўрин тутди. Ғазал ва рубоийларида, туюқ ва маснавийларида машуқанинг мафтункор гўзаллиги, бекиёс хусну лафоти, шарқона одо бо ахлоқи, нозу карашмаси энгил ва ўйноқи мусликий ва равон мисраларда катта маҳорат билан тараннум этилади.

Бобурнинг ўз шеърий асарларини тўплаб, девон ҳолига келтирган санани кўрсатувчи аниқ тарихий маълумотлар маълум эмас. Аммо "Бобурнома"нинг 1518-1519 йиллар воқеалари баёнига бағишланган фаслида Бобур девонини Қобулдан Самарқандга юборганиги тўғрисида сўз боради. Демак, шу йилларда унинг девонига тартиб берилган ва мазкур девон Мовароуннаҳрда ҳам тарқалган.

Ҳозирда унинг 119 та ғазали, 209 та рубоийси, 10 дан ортиқ туюқ ва қитъалари, 50 дан ортиқ

Норбўта ҲОЗИЕВ,
«Huquq»

муаммо ва 60 дан ортиқ фардлари аниқланган. Умумий ҳажми 270 байтдан иборат 8 та маснавий ҳам девон таркибидан ўрин олган.

Бобурнинг ижоди билан танишар эканмиз, унинг қатъиятли, жасур ва ҳақиқат тарафдори бўлган инсон эканлигига яна бир бор имон келтирмайсиз. Худди шу жиҳатлар унинг нафақат "Бобурнома"сида, балки девонига мансуб шеърларида ҳам ўз аксини топган дейишимиз мумкин.

*Гурбатга ул ой ҳажри мени пир қилибтур,
Ҳижрон била гурбат манга таъсир қилибтур.*

Яъни, мусофирликнинг гариблигида ўшал қамарсиймонинг ҳажри шоирни қаритди, у ўзини жуда сабрли ва иродали ҳисоблардию, лекин ҳижрон ва гурбатдаги йиллар унга ҳам таъсир қилмай қолмади. Бу буюқ бир империянинг ҳукмдори бўлмиш Бобур Мирзонинг кўнгли изҳори эмасми? Фақат ўз-ўзига талабчан ва танқидий ёндашувчи одамгина шу тахлит ички кечинмаларини изҳор эта олади.

Бобур Мирзонинг шахсияти ва олижаноб хислатларидан келиб чиқиб, АҚШ ва Европада бундан бир неча асар олдин Рашбрук Уйламонинг "Ун олтинчи аср бунёдкори", Ҳароят Ламборнинг "Бобур-йўлбарс", Анна Флора Стиннинг "Тож кийган дарвеш" сингари асарлари бутун дунёда тан олинган.

Ҳа, Бобур эътиқодда мустаҳкам, имони бутун, шу билан бирга, ҳиммати баланд қомил инсон эди. У бобоси Соҳибқирон Амир Темуруга нисбат бўладиган улуг инсон, саховатли ва диёнатли подшоҳ эди. Бош фарзанди Ҳумоюн Мирзо бетоб бўлганда табиблар маслаҳатини ўзича талкин этиб, жонини фарзандига бағишлади, унинг дардини ўзига олди. Кўз ёши тўкиб Яратганга астойдил илтижо қилди. Охи Оллоҳга этиб фарзанди тузалди, ўзи эса касалланди. Бу ҳақидаги ибратли ҳикоя асарлар оша бизгача етиб келди. Шу давргача ислом шарқиди, подшоҳлар тарихида бунақа ҳодиса кузатишар эмас. Бу ҳам Бобурнинг нақадар мустаҳкам эътиқодли, қомил инсонлигидан нишонандир.

Бобур 47 ёшида ўзи асос солган



салтанат пойтахти Аграда вафот этди ва ўша ерда дафн этилди. Кейинчалик (1539) васиятига мувофиқ, ҳоки Қобулга келтирилиб, ўзи бунёд эттирган "Боги Бобур"га қўйилди.

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, Бобур ўз юртида юксак кадр-қиммат топди. Президентимиз Фармонига кўра, 1993 йилда Бобур таваллудининг 510 йиллиги тантанали нишонланди. Андижон шаҳрида Бобур номидаги университет, театр, кутубхона бор. "Боги Бобур" миллий боғи барпо этилди. Миллий боғ мажмуасида "Бобур ва ҳажрон маданияти" музейи, шоирнинг қабр мақбараси бунёд этилган. Боғдаги ёдгорлик мажмуида шоирга ҳайкал ўрнатилди. Андижондаги марказий кўчалардан бирига, шунингдек, Тошкентдаги истироҳат боғи ва кўчага, Андижон вилояти, Хонабод шаҳридаги истироҳат боғига номи берилди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Бобур номидаги медали таъсис этилди. Унинг адабий ва илмий мероси қалбимиз хазинасига айланди. Энг муҳими, беш юз йиллик ҳижратдан сўнг Бобур ўз юртига қайтди. Қайтганда ҳам, ҳурмату меҳрга қўланиб, фахру ифтихорга чўмиб, азизу муқаррам бўлиб қайтди.



[Давоми. Бошланиши 2-бетда]

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарорнинг қўлланиш тартиби ҳақидаги Низом ҳам тасдиқланган бўлиб, унда мазкур Қарор таъбирига тушган шахсларга тегишли жиноят ишлари ва материаллар судлар томонидан хал этилиши ҳамда амнистияни қўллаш тўғрисидаги қарор ҳар бир шахсга нисбатан яқка тартибда қабул қилиниши белгиланган. Ушбу Низомнинг 22-бандига асосан, амнистия тўғрисидаги қарорнинг қўлланишида жамоатчилик назорати ва очиқ-ошкораликни таъминлаш мақсадида сенаторлар, халқ депутатлари вилоят кенгашлари депутатлари, қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссия раислари,

Бағрикенглик иродаси

Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вақилининг (омбудсман) вилоят вакилларидан иборат 15 нафар таркибда ишчи гуруҳи тузилиб, тadbирлар режаси ишлаб чиқилди.

Ҳазони ўташ жойларидан амнистия бўйича озод этилган шахсларга шаҳар-туманлардаги силга қарши кураш, теританосил касалликлари, эндокринология ва бошқа диспансерларда ўрин-жойлар ажратилиб, дори-дармон захиралари яратилди. Аниқланган фаол сил касалликларини даволаш учун барча силга қарши кураш диспансерларида жами 70 та ўрин, "Пахталик" сичатлоғида эса нофаол сил касаллигига чалинганлар учун 10 та ўрин ажратилди. Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси ва ижтимоий кўникма ҳосил қилиш маркази, унинг жойлардаги мутасадди бўлимлари томонидан шаҳар ва туман ҳокимларининг қарорлари асосида 6130 та махсус квоталанган иш ўринлари белги-

ланиб, шундан 351 тасига жазони ўташ жойларидан бўшатирилганларни ишга жойлаштириш кўзда тутилган. Шунингдек, амнистия актига асосан жазодан озод этиладиган шахсларга бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида бюджетдан 96,4 млн. сўм маблағ ажратилди. Жорий йилнинг шу кунига қадар ушбу қарор жами 800 нафардан зиёд шахсга нисбатан татбиқ этилди ва уларнинг 78 нафарини жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинганлар ташкил этади.

Қайд этиш жоизки, қарор асосида жазони ўташ жойларидан озод этилган шахсларни тиббий қўриқдан ўтказиш, башарти касалликдан чалинганлари аниқланса, даволаш ва саломатлигини тиклаш чораларини кўриш, уларни иш билан таъминлаш, шунингдек, моддий ҳамда ижтимоий-маънавий ёрдам кўрсатиш масалалари доимий кўн тартибидида турибди.

Шу ўринда ушбу маълумот-

ларга эътиборингизни қаратсан. Шу кунга қадар амнистия актига асосан жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларнинг 76 нафарига шаҳар-туманлар ҳокимликлари қошидаги ижтимоий кўникма марказлари томонидан 24 млн. 283 миң 400 сўм миқдоридида моддий ёрдам берилди. 73 нафар шахс жойлардаги соғлиқни сақлаш муассасаларида тиббий қўриқдан ўтказилди ва даволаниши зарур, деб топилган 10 нафари шифохоналарга ётқизилди. 51 нафар шахс ишга жойлаштирилиб, 2 нафари ўқув муассасасига юборилди.

Айни кунларда жойларда амнистия актига асосан жазони ўташдан озод этилганларнинг яшаш шaroитлари ўрганилмоқда. Ёрдамга муҳтож деб топилганларга моддий ва маънавий кўмаклар берилмоқда. Маҳалла фаолларидан мураббилар бириктирилиб, уларни фаол ижтимоий ҳаётга қайтариш чоралари қўрилмоқда.

Ҳа, инсонпарварлик, кечи-

римлилик, бағрикенглик халқимизга хос фазилат. Айни мана шу фазилатга асосланиб қабул қилинган амнистия тўғрисидаги қарор натижасида адашган, билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолган кишилар ўз оилалари бағрига қайтмоқдалар. Қолган ҳаётларини шу муқаддас замин раванки учун сарфлашга ҳаракат қилмоқдалар. Сизу биздан талаб этиладигани эса уларни ёлғизлатиб қўймаслик, жамиятга муносиб ўрин эгаллашларига кўмаклашиш, ижтимоий ҳаётнинг фаол аъзоси сифатида қайта тарбиялашдир.

Ўртбошимиз таъкидлаганидек, "Оғир жазо, айниқса, фуқароларни жамиятдан ажратиб билан боғлиқ бўлган жазоларнинг жиноятчиликнинг олдини олишдаги аҳамиятини ошириб кўрсатиш ўзинис эканлиги ҳаётнинг ўзи исботланмоқда. Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги ҳазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки, биринчи навбатда, қонунни бузган шахс ҳазонинг муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқ".



AFC U22 Asian Cup 2013
QUALIFIERS

Ёшларимизнинг рақиблари маълум

Жорий йилнинг 14 февраль кун ОФКнинг Куала-Лумпурдаги қароргоҳида 22 ёшгача бўлган терма жамоаларнинг Осиё чемпионатида қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Қуръа ташлаш жараёнида жамоаларни тақсимилаш 2010 йили Хитойда бўлиб ўтган ёшлар уртасидаги Осиё чемпионати натижаларига қўра амалга оширилди.

Қайд этиб ўтиш жоиз, бўлажак мусобақа саралашда иштирок этиш истагини билдирган 39 мамлакат қаторига яқинда Австралия ва Камбоджа ҳам қўшилди. Улар биргаликда Осиё чемпионатининг 15-йулланмаси учун кураш олиб боришади. Йўлланмалардан 14 таси ўз гуруҳида дастлабки икки уринни қўлга киритган терма жамоаларга насиб этса, саралаш гуруҳлари орасида энг яхши натижани қайд этган 3-уриндаги бир жамоа қўлган йўлланма эгасига айланади. 16-йўлланма мусобақанинг финал босқичи ўтказиладиган давлатга тақдим этилади. Қуръа жараёнида жамоалар Фарбий ва Шарқий минтақаларга бўлинишиди. Фарбий минтақага 23 терма жамоа joyлашган бўлса, қолган 18 терма иккинчи минтақадан урин олишиди. Ўзбекистон терма жамоаси рейтингга қўра Фарбий минтақанинг иккинчи жамоаси сифатида эътироф этилди.

Қуръа натижасига қўра, Алексей Евстафьев бошчилигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси "D" гуруҳидан жой олди.

"A" ГУРУҲИ - БАА, Ироқ, Уммон, Хиндистон, Турманистон,

Ливан

"B" ГУРУҲИ - Саудия Арабистони, Сурия, Покистон, Фаластин, Қирғизистон, Шри Ланка

"C" ГУРУҲИ - Бахрайн, Эрон, Тожикистон, Катар, Қувейт, Мальдив ороллари

"D" ГУРУҲИ - Ўзбекистон, Иордания, Яман, Бангладеш, Непал

"E" ГУРУҲИ - Австралия, Япония, Индонезия, Сингапур, Макао, Шарқий Тимор

"F" ГУРУҲИ - КХДР, Хитой, Таиланд, Гонконг, Лаос, Камбоджа

"G" ГУРУҲИ - Жанубий Корея, Вьетнам, Малайзия, Мьянмар, Хитой Тайпейи, Филиппин

Мусобақанинг финал босқичи 2013 йилнинг сентябрь ойида ўтказилиши кутилмоқда.



«Байер» ўз уйида мағлуб бўлди

Ташкент вақти билан 14 февралдан 15 февралга ўтар кечаси соат 00:45 да Европа чемпионлар лигаси ним чорак финалининг дастлабки учрашувларига старт берилди. Шу куннинг энг марказий учрашуви Ливеркузенда бўлиб ўтди. Мусобақанинг амалдаги голиби Каталониянинг "Барселона" жамоаси "Байер" меҳмони бўлди ва аjoyиб ғалабага эришди.

Биринчи бўлимда каталонияликлар ўз услубларига содиқ қолган ҳолда тўпни ўз назоратларида ушлаб туришди ва улар охиригача мақсадларига етишди. Мессининг аjoyиб тўп оширишидан кейин тўпга бир йўла "Барселона"нинг икки футболчиси ташланди. Фабрегас ва Алексес Санчес бирданига дарвозабон билан бирга-бир вазиетга чиқиб боришди ва Санчес йўллаган зарбадан сўнг тўп дарвозабоннинг оёқлари орасидан ўтиб, дарвоза тўрига бориб тушди.

Иккинчи бўлим эса биринчидан тубдан фарқ қилди. Хар икки жамоа ўта ҳужумкор ва очиқ футбол намойиш этдилар. Кадлецнинг бош билан берган аниқ зарбасидан сўнг, мезбонлар ҳисобни тенглаштиришди. Бироқ орадан кўп ўтмай Санчес яна ўзини кўрсатди. У дарвозабонни ҳам алдаб ўтиб, жамоасини олдинга олиб чиқди. Шундан сўнг "Байер" ҳам яна мўззавонни тиклаш учун олдинга ташланди. Бироқ меҳмонларга қарши бунани амалга ошириш осон иш эмасди. Аксинча, тиниб-тиничмас Месси жамоасининг учинчи голини киритиб, ғалабани мустаҳкамлади.

"Байер" Германия - "Барселона" Испания - 1:3
Голлар: 0:1 - Санчес (41), 1:1 - Кадлец (52), 1:2 - Санчес (55), 1:3 - Месси (88).

Спорт хабарларини Мақсудали ҚАМБАРОВ тайёрлади

Гейнрих гол



Газетамизнинг ўтган сонларида Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳужумчиси Александр Гейнрих кишки трансфер давомида БААнинг "Эмирейтс" клубига ўтганлигини маълум қилган эдик. У БАА про лигасининг 14-турида гол киритишга муваффақ бўлди. Эътиборли томони, рақиб "Шаржа" жамоаси таркибида терма жамоамиз аъзоси Темур Қападзе майдонга тушди. Шунингдек, меҳмонлар таркибида Гейнрих билан бирга яна бир ҳамюртимиз Жасур Хасанов ҳам ҳаракат қилган.

Уйининг 21-дақиқасида "Шаржа" футболчиси Эдиной хисобни очди. 78-дақиқада эса Александр Гейнрих рақиб дарвозасини ишғол қилиб, хисобни тенглаштирди.

"Шаржа" - "Эмирейтс" 1:1

Голлар: Эдиной 21 - Александр Гейнрих 77

Замбия Африка чемпиони



ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН *

Африка қитъасининг Габон ҳамда Экваториал Гвинея давлатларида Африка миллатлар кубоги мусобақаси бўлиб ўтди. Финалда Замбия ҳамда Кот-д'Ивуар термалари ўзаро куч синаяшди. Уйининг асосий дақиқаларида дуранг натижа қайд этилганидан сўнг голиби номи пенальтилар сериясида аниқланди. Бу борда омад замбиялик футболчиларга қулиб боқди.

Африка миллатлар кубоги, финал
Замбия - Кот-д'Ивуар - 0:0, пенальтилар бўйича - 8:7

«BEST GLOBE REALTOR» масъулияти чекланган жамияти бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ «Аукцион» савдоларига таклиф этади!

Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маъма́сининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли қарори, Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси Бухоро вилоят худудий бошқармасининг 2011 йил 20 декабрдаги 36а-сонли буйруғига асосан фуқароларга яқка тартибда уй-жой қуриш учун қуйидаги ер майдонларига бўлган мерос қилиб қолдирадиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидagi такрорий очиқ «АУКЦИОН» савдоларига чиқарилмоқда:

1. Вобкент тумани Имомқозихон к.ф.й. Калти аҳоли маскани худудидан яқка тартибда уй-жой қуриш учун майдони 400 кв.метрдан иборат бўлган 1 дона ер майдони.
Бошланғич баҳоси — 320 000 сўм.
 2. Жондор тумани Хумин к.ф.й. Кипчок кишлоғи худудидан яқка тартибда уй-жой қуриш учун майдони 400 кв.метрдан иборат бўлган 2 дона ер майдони.
Хар бирининг бошланғич баҳоси — 373 200 сўмдан.
- Талабгорлар диққатига!**
"АУКЦИОН" савдолари 2012 йил 20 март кунин соат

- 11:00 да Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 10-уй (4-қавати) манзилда ўтказилади.
- "АУКЦИОН" савдоларида иштирок этиб, мулкдор бўлиш истагидаги талабгорлар "Аукцион ташкилотчиси" — "BEST GLOBE REALTOR" масъулияти чекланган жамиятига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:
- Курсатилган мулкни сотиб олиш истагида савдода иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар;
 - Закалат пули тўғрисида келишув битимининг бир нусخаси;
 - "Аукцион ташкилотчиси"нинг рекузитлари: СТИР 302045495, МФО 00115 ОАТ Қишлоқ қурилиш банки Бухоро минтақавий филиалидаги 20208000204922559001 ҳисоб рақамига объект бошланғич баҳосининг 15% (ўн беш фоиз) миқдоридagi закалат пуллари тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг асл нусхаси;
 - Харидорнинг ҳуқуқий ҳужжати;
- Жисмоний шахслар учун: — Фуқаролик паспортининг нусхаси;
- Юридик шахслар учун: — Давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжат ва Ус-

тавининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси.

➢ Савдода талабгорнинг вакили иштирок этган тақдирда, белгиланган тартибда тасдиқланган ишончноманинг асл нусхаси.

"АУКЦИОН" савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан буюртманомалар ҳафтанинг хар кунин (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) Мустақиллик кўчаси 10-уй, 3-қаватида қабул қилинади.

Закалат пуллари келиши тўғрисидаги "АУКЦИОН" савдолари бошланишидан бир соат олдин буюртманомаларни қабул қилиш "АУКЦИОН" савдолари ўтказилиши белгиланган санадан 1 кун олдин яъни 2012 йил 19 март кунин соат 16:00 да тўхтатилади.

Буюртманомаларни қабул қилиш ҳамда Сизларни қизиқтирган барча савдолар бўйича қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин.

"Аукцион ташкилотчиси" - "BEST GLOBE REALTOR" масъулияти чекланган жамияти.

Аукцион савдолари манзили: 200100, Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси, 10-уй.

Лицензия RR 0029, E-mail: bg_realtor@list.ru, тел: +99 895 600-97-17, 8 365 223-49-24.

Билдиришнома

Газетамизнинг 2012 йил 26 январдаги 4(785)-сонини 10-саҳифасида чоп этилган танлов хабарномасида Савдо ва умумий оватқатлаш мажмуаси қуриш учун Когон тумани Б.Нақшбанд к.ф.й. худудига joyлашган умумий ер майдони 500,0 кв.метрдан иборат бўлган 1 та ер участкасининг Когон тумани ҳокимининг 2012 йил 9 февралдаги 1/363-сонли хатига асосан танлов савдолари тўхтатилганлигини маълум қиламиз.

"Танлов ташкилотчиси" - "BEST GLOBE REALTOR" масъулияти чекланган жамияти.
Аукцион савдолари манзили: 200100, Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси, 10-уй.


Лицензия RR 0029, E-mail: bg_realtor@list.ru, тел: +99 895 600-97-17, 8 365 223-49-24.

Яқинда интернет саҳифаларининг бирида куйидаги жумлага кўзим тушди: "Уй телефони ҳеч бўлмаганда хонада кўл телефонини топиш учун керак...". Бу гап бироз ҳазиломуз бўлса-да, унинг замирида маълум даражадаги ҳақиқат яширинган. Дарҳақиқат, бугун мобил телефонлар барчамизнинг энг зарур эҳтиёжларимиздан бирига айланиб улгурган. Бу митти техника воситасининг ҳаётизмизга кириб бормаган жабҳаси деярли қолмади, десак муболаға бўлмайди. Дунё оммаси XXI асрни бежиз техника асри, дея атамади. Айни пайтда техника шу қадар шиддат билан илгарилаб бормоқдаки, буни биргина кундан-кунга тобора мукамаллашган ҳолда яратилаётган мобил телефонлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Улар мулоқот воситаси бўлиш баробарида мижозларга бир олам имкониятлар дастасини ҳам тақдим этмоқда. Масалан, зарур пайтда телефонингиздаги интернет тармоғи орқали хоҳлаган маълумотингизни ўқиб ёки юклаб олишингиз, дунёнинг исталган бурчагидаги танишингиз билан ёзма, оғзаки ёки видео мулоқот қилишингиз, қачонлардир ҳаёлга ҳам келмаган радио, фото, видео қурилмалардан беминнат фойдаланишингиз мумкин ва ҳоказо. Хуллас, бу бекиёс "ёрдамчи" эҳтиёжларимизни ортиги билан қондирмоқдаки, уй телефонига ҳожат ҳам қолмаётгандек, гўё. Эҳтимол тараққийнинг бу шиддати сабаб, яқин келажакда кўлингиздаги газетани коғоздан кўра интернет орқали телефон апаратингизда ўқиш афзалроқ бўлиб қолса ҳам, ажаб эмас.

Илк мобил телефон

Кўл телефонидан биринчи кўнгирик 1973 йилнинг 3 апрелида Манхеттен кўчасидаги қилинганини биласизми? Ушанда Motorola компаниясининг инженери Мартин Купер, AT&T компаниясидаги рақиби Жозел Анжелга телефон қилиб, унга айни пайтда кўнадан туриб, сим қоқайтганини маълум қилган.

"Унга ҳақиқий кўл телефонидан кўнгирик қилаётганлигини айтганимда, тўсатдан жим бўлиб қолди, — дея кейинчалик ҳикоя қилганди Мартин. — Назаримда фақат тишларининг гижирлаганига эшитиларди...". Бу салкам 1 кг. оғирликдаги, узунлиги 25 см. қалинли-



Ҳаётнинг ёрқин тарафидамисиз?!

ги ва кенглиги 5 см.ни ташкил қилган гиштсифат кўпол қурилма эди. Ана шу тарихий кўнгириқдан кейин орадан 10 йил ўтибгана, Motorola DynaTAC 8000х сотувга чиқарилди.

1979 йилда тиниб-тинчимас японлар Америка технологиясини ўзлаштириб, биринчилардан бўлиб мобил телефонлар ишлаб чиқариш технологияси синовини бошлаб юбордилар.

1994 йилда Финляндиянинг Nokia компанияси телефон илосмандларини SMS жўнати оладиган илк телефон — Nokia 2110 билан қувонтиришга муваффақ бўлган бўлса, 2003 йилда илк интернет-браузерли телефон — Sony Ericsson T616 сотувга чиқарилди.

Дунё брендлари

Дунёда мобил хизматлар оммалашиб, улarga эҳтиёжнинг ортиб бориши билан дунё бозориди брендлар ўртасидаги рақобат ҳам шунга монанд кучайиб бормоқда. Ҳар йили мутахассислар томонидан компанияларнинг мижозлари сони, кўрсатилаётган хизмат турлари, қулайликлар, йиллик даромад каби тамойиллар асосида кучлилар рўйхати тузиб борилади. Куйида 2011 йил бошига нисбатан кучли бешлик билан танишасиз:

China mobile — бош офиси Гонконгга жойлашган бўлиб, Хитой, Гонконг, Покистон каби давлатларда фаолият юритади. Мижозлари сони 650,2 млн. кишидан иборат. Компания ҳар йили, айниқса, байрамлар арафасида мижозларнинг ишончини оқлаш ва сонини кўпайтириш мақсадида турли акциялар, доимий чегирмалар, ўз-ўзига равишда доимий ми-

жозлари йиллик рағбатлантирувчи мукофотлар билан сийлаб туради.

Vodafone — бош биноси Буюк Британияда жойлашган мазкур компания Марказий ва Шарқий Европа, Африка, Осиё-Тинч океани худуди ва Яқин Шарқ мамлакатлари аҳолисига хизмат кўрсатади. Мижозлари сони 381,1 млн. киши.

China Unicom — Хитой, Гонконг, Покистон давлатлари бозориди фаолият юритади. Мижозлари сони 187,4 млн. кишидан иборат. Мазкур компания бир вақтнинг ўзида икки хил стандартдаги мобил тармоқни олиб боради, яъни CDMA — рақамли телефон алоқиси ва GSM алоқа тури.

Verizon Wireless — АҚШдаги энг йирик мобил алоқа оператори. Мижозлари сони 108 миллиондан ортик. Шунингдек, АҚШда AT&T Mobility (103 млн.), Sprint Nextel (51 млн.), T-Mobile USA (34 млн.), TracFone Wireless (17,75 млн.), MetroPCS (9 млн.), U.S Cellular (6 млн.), Cricket Wireless (6 млн.) каби йирик мобил компаниялар муваффақиятли фаолият олиб боришмоқда.

NTT DoCoMo — Япония, АҚШ, Осиё-Тинч океани худуди ва Европа давлатларини мобил алоқа билан таъминлайди. Мижозларининг сони 68,1 млн. киши.

Маълумот тариқасида шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда самарали фаолият юритаётган Россиянинг МТС мобил оператори ҳам юқоридаги кучли йигирматаликдан ўрин олган. МТС компанияси юртимиздан ташқари Туркменистон, Беларуссия, Арманистон, Украина, Қозғоғистон, Грузия, Қирғизистон, Тожики-

тон ва Вьетнам каби давлатларда ҳам ўз мижозларига эга.

Ҳозир Ўзбекистонда Ucell, Beeline, PerfectumMobile, MTC, UzMobile каби мобил операторлар фаолият юритмоқда. Тадқиқот натижаларига кўра, Марказий Осиё давлатларида, шу жумладан, бизда мобил алоқа хизмати дунёнинг бошқа мамлакатларига нисбатан анча арзон. Масалан, америкаликлар бир ойлик арзон тариф учун 30-35 доллар пул сарфлашади. Мисрда эса кирувчи SMSлар ҳам пул туради!

SMS нега 160 белгидан иборат?

Қисқа хабар, яъни SMS нима учун 160 белгидан иборатлиги ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? XX асрнинг охи-



ларида кўпчилик телекоммуникацион компаниялар SMS жўнатиш технологиясини қайта ишлаб чиқиш борасида анча бoш қотиришди. Бу йўлда SMS ихтироچиси ҳисобланган Фридрих Хильбранд ҳам босма машинкасида қатор тажрибалар қилиб кўрди. Ана шу уринишларнинг бирида, у бир қайдномани ёзиб, яхшилаб тахрир қилди-да, харфлар, рақамлар, пробеллар ва тиниш белгиларини ҳисоблаганда SMS 160 белгидан иборат бўлди. Хильбранд табрик коғозларида матн ва телеграф хатлари 150 белгидан ошмаслигини инobatга олиб, 160 белгили SMS лойиҳасини "GSM group"га тақдим этди. Шу тариқа, 1986 йилда стандарт қабул қилинди ва кейинчалик барча мобил телефон ишлаб чиқарувчилар ва мобил алоқа операторлари ҳам бу фикрни қўллаб-қувватлаб, амалга жорий эттишди.

«Алло»ми ёки лаббай?!

Телефон орқали мулоқотда энг кўп ишлатиладиган "алло" сўзи бошқа тилларда қандай жаранглашига ва нега айнан "алло" лигига ҳеч қизиқиб кўрганмисиз? Маълумотларга кўра, 1877 йилда Томас Эддисоннинг таклифи билан телеграф компанияси томонидан "алло" тасдиқланган. Телефон ихтироچиси Александр Белл эса денгизда кемаларни қаршишлашда ишлатиладиган "ахой" сўзини "алло" ўрнига таклиф қилган. Аслида, мазмун жиҳатидан "лаббай" ва "эшитман" каби маъноларни берувчи "алло" италиянчада — пронт — "тайёр", хитой тилида — вэй — "гапиринг", япончада — моти-моти — "гапиринг, гапиринг", корейчада — "йубсаё", грекчада — паракало — "марҳамат" каби жаранг сочади. Агарда немислар кўнгириқнинг ўз фамилиясини айтиб жавоб берса, ҳеч ажабланманг, бу Германияда одатий ҳол!

Мобил фобиялар...

Телефонфобия — кўнгирик қилиш ва кўнгириқларга жавоб беришдан қўрқиб.

Номофобия — мобил алоқасиз қолиш, яъни телефонни йўқотиб қўйиш ёки хизмат доирасидан ташқарида қолишдан қўрқиб.

Рингсиети — психо-акустик ҳолат, яъни аслида йўқ телефон кўнгириқларини сезиш ёки эшитиш.

Фригенсфобия — мобил телефон нурали миёни зарарлашдан қўрқиб касаллиги.

Баргида МҮМИНЖОНОВА
тайёрлади

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси жамоаси прокуратура фахрийи, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси **Анатолій КОЛОДИМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси Учтепа туман прокуратураси терговчиси Кенжа Исломовга падари бузруквори **Раҳмат отанов** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

Huquq

юрidik gazeta

Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:

Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:

Abbosxon SANGINOV Baxtiyor NAZAROV
Muxtor ZOIROV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Gulnoza RAHIMOVA
Yusupboy G'OIPOV Shavkat YODGOROV
Svetlana ORTIQOVA (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,

233-10-53

Faks: 233-10-53,

233-64-85

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi. Musallif fikri tahririyat nashri nazardan farglanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

□ — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma J-3902 51 075 nusxada bosiladi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terikdi va sahifalanda. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: **M.DUSIYAROVA**
Musahih: **M.QAMBAROV**
Navbatchi: **O'JEHQNOV**

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 18.00.
Topshirildi: 17.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligi 2009-yil 12-oktabrda O'188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7637

72018161004

Gazeta «Kolorpak» MCHJ bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxonaning manzili: Toshkent shahar, Yangi-shahar ko'chasi, 1a.